БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 243 (18.720). ● Шанба, 1983 йил 22 октябрь ● Баҳоси 3 тийин.

ҲАМКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ГДР пойтахти Берлинда 19 октябрь куни Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессияси XXXVII мажлисида қатнашган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар делегациялари бошлиқлари, коммунистик ва ишчи партиялар Марказий Комитетлари секретарларининг учрашуви бўлди.

Учрашувда қуйидагилар қатнашдилар:

Болгария Халқ Республикасидан — БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Совети Раиси Г. Филипов, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари О. Дойнов, БКП Марказий Комитети секретари К. Зарев;

Венгрия Халқ Республикасидан — ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раиси Д. Лазар, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ф. Хавош;

Вьетнам Социалистик Республикасидан — ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари То Хиу;

Германия Демократик Республикасидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Совети Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Г. Миттаг, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари П. Фернер;

(Давоми учинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг Софияда бўлиб ўтган мажлиси якунлари тўғрисида ўртоқ А. А. Громиконинг ахборотини кўриб чиқиб, маъқуллади. Ташқи ишлар министрлари комитетининг мажлиси Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Европани ядро хавф-хатаридан халос этиш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга азму қарор берганликларини тасдиқлади. АҚШ ва унинг НАТОдаги баъзи иттифоқчиларининг яқин вақтлар ичида Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ракеталарини жойлаштиришга киришиш нияти ана шундай хавф-хатар солмоқда. Социалистик мамлакатлар ўзларининг якдиллик билан қабул қилинган қарорида халқларнинг хоҳиш-иродасига хилоф суратда ядровий қуролланиш пойгасини янада кучайтириш ва сиёсий мухолифликни авж олдириш йўлидан бораётган барча кимсаларни огоҳлантирдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ А. А. Громиконинг ўртоқ Э. Хонеккер билан учрашуви тўғрисидаги ахборотини маъқуллади. А. А. Громико ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер билан олиб борган музокаралар ҳақида, шунингдек Австрия Республикасининг раҳбар арбоблари билан ўтказган суҳбатлари тўғрисида Сиёсий бюрога ахборот берди.

И. А. Лихачев номли Москва автомобиль заводида ва Горький автомобиль заводида юк автомобилларининг ва улар учун дизель моторларининг янги моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида СССР Министрлар Советининг таклифлари маъқулланди. 1984—1988 йилларда Ватан саноати ишлаб чиқараётган ва қардош социалистик мамлакатлардан кооперация асосида етказиб берилаётган замонавий технологик ва инженерлик машина-ускуналарини жорий этиш негизида шундай автомобиллар ишлаб чиқаришни авж олдириб юбориш мўлжалланмоқда. Янги дизель юк машиналарининг унумдорлиги ва тежамлилиги ҳозирги мавжуд автомашиналарга қараганда анча юқори бўлади.

Сиёсий бюро ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда Грузияда электр энергетикани жадал ривожлантириш тўғрисида республика Компартияси Марказий Комитети киритган таклифни қўллаб-қувватлади. Бу ерда бир қанча электр станциялар, шунингдек электр линияларини қуриш ва уларни реконструкциялаш кўзда тутилмоқда. Белгиланган программани амалга ошириш Закавказье энергетика системаси ишидаги эпчиллик ва барқарорликни кучайтириш, истеъмолчиларни энергия билан пухта таъминлаш ва Грузия ССР саноати ҳамда қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида келгуси йилнинг иккинчи ярмида матлубот кооперациясида ҳисобот ва сайлов ўтказилиши муносабати билан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ҳозирги вақтда матлубот кооперацияси 60 миллиондан кўпроқ пайчини бирлаштириб, мамлакат жамики чакана товар оборотининг қарийб учдан бир қисмини таъминламоқда. Сиёсий бюро шуни таъкидладики, матлубот кооперациясидаги ҳисобот-сайлов кампанияси кооператив ташкилотларнинг иши амалий равишда ҳар томонлама муҳокама этилишига, уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ташаббускор ва малакали кадрлар билан мустаҳкамланишига, савдо-сотиқни, тайёрлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, товар ресурсларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатишнинг ҳамма томонларини янада яхшилаш юзасидан планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашни кучайтиришга ёрдам бериши керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички ва ташқи сиёсатга доир бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ХАЛҚ УЧУН МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ КЕНГАШИДАН

Республика партия-хўжалик активининг 21 октябрда бўлиб ўтган кенгашида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш масалалари кўриб чиқилди. Кенгашда область ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Н. Ж. Худойбердиев** халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чоралар тўғрисида доклад қилди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, Озиқ-овқат программаси билан комплекс равишда хизмат доирасини кенгайтириш, деди докладчи, партия социал программасининг марказий қисми ҳисобланади. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларида, ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг нутқларида шу ғоят муҳим вазифанинг умумдавлат аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар системаларини комплекс ривожлантириш программасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарори партия совет халқининг фаровонлигини ошириш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилинаётганлигининг янги ифодасидир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1983—1985 йилларда аҳолини халқ истеъмол моллари билан таъминлашни яхшилаш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида» қабул қилган қарори совет кишилари фаровонлигининг реал ўсишини таъминлашга қаратилган.

Ана шу ҳужжатлар жиҳатидан олганда Ўзбекистон ССР олдида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни, кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш ва сифатини ошириш учун резервларни янада излаш ва улардан фойдаланиш борасида масъулиятли вазифалар турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми шу йил умуман республика территориясида давлат планидан ташқари 350 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабларини қондириш билан боғлиқ масалалар эндиликда партия, совет ва хўжалик органларининг ишида асосий ўрин тутмоқда, унга энг биринчи партиявий иш деб қаралмоқда. Натижада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш анча яхшиланиб, меҳнат унумдорлиги ошмоқда. Мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, эскирган машина-ускуналарни алмаштириш катта программаси амалга оширилмоқда. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи бир қанча катта замонавий корхоналар ишга тушди. Бўш меҳнат ресурслари бўлган кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда филиал ва цехларни ташкил этиш ишлари кенг қулоч ёйди. Эндиликда бундай филиал ва цехлар 400 тадан ошиб кетди. Уйда ишлаш, пенсионерлар ва уй соҳибаларини мол ишлаб чиқаришга жалб этиш кенгайди. Бугунги кунда 1126 саноат корхонаси ҳамда 1500 колхоз, совхоз халққа моллар ишлаб чиқармоқда.

Бирлашмалар ва корхоналарнинг фаолияти талаб-эҳтиёжлар ҳозирча тўла-тўкис қондирилмаётган молларни ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Болалар ассортиментидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш 1980 йилга нисбатан 1,8 баравар, спорт моллари 31 процент ортди.

Якун чиқарар эканмиз, деб таъкидлади докладчи, бу ишларни ҳали қилиниши лозим бўлган катта ишларда биринчи қадам, бошланғич босқич деб қарамоғимиз лозим.

(Давоми учинчи бетда).

Ўртоқ И. В. КАПИТОНОВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Активларга ва сизлар орқали Ўзбекистон коммунистларига, барча меҳнаткашларига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андроповдан қизғин салом, меҳнатда муваффақият, омонэсонлик ва бахт-саодат тилаб билдирилган энг эзгу истаклар топширишга ижозат бергайсиз.

Партиямиз билан давлатимиз совет кишиларининг турмушини яхшилаш, уларнинг бунёдкорлик меҳнати учун тинч шароитларни таъминлаш йўлини қатъият билан ўтказмоқда. КПССнинг бутун ички ва ташқи сиёсати шу ҳақдаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган.

Шу кунларда биз ўртоқ Ю. В. Андропов Баёнотининг унутилмас таассуроти билан яшамоқдамиз. Коммунистлар, барча совет кишилари бу Баёнотни якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар. Унда баён этилган ҳамма қоидалар тўла-тўкис қўллаб-қувватланди. Баёнот халқимизнинг ватанпарварлик шижоатини кучайтирди ва уни янада кўпроқ жипслаштирди. Уруш оловини ёқувчиларнинг кирдикорларига жавобан совет кишилари мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлашга қаттиқ бел боғлаганликларини изҳор қилмоқдалар.

Партия Марказий Комитети КПСС XXVI съездининг, Марказий Комитет 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини амалга ошириш соҳасида қизғин иш олиб бормоқда. Экономикани интенсив ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлига ўтказиш, бошқарувни такомиллаштириш, давлат, план ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мамлакат халқ хўжалиги муттасил, барқарор ривожланмоқда. 1983 йилда саноатни ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг беш йиллик дастлабки икки йилига нисбатан анча юқори суръатлари таъминланмоқда. Об-ҳавонинг ҳар қандай инжиқликларига қарамай, қишлоқ хўжалигида ҳам ижобий силжишлар бор. Ялпи дон ҳосили бултурги кўрсаткичлардан ошиб кетди. Чорвачилик маҳсулотини харид қилиш планлари ошириб бажарилмоқда. Ҳозир СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги плани лойиҳасини ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилмоқда. Халқ хўжалигини ривожлантиришдаги ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, унинг самарадорлигини, совет кишиларининг турмуш даражасини янада оширишни таъминлаш кўзда тутилмоқда. Хуллас, беш йиллик ўрталарида бизнинг олға томон қилаётган ҳаракатимиз бирмунча жадаллашди.

Ўзбекистон Совет республикаларининг қардошлик оиласида муваффақиятли ривожланиб бормоқда, деди сўнгра И. В. Капитонов. Меҳнаткашлар республика партия ташкилоти раҳбарлигида нақадар катта ишларни амалга оширганликларини ўз кўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қила олдик. Эндиликда Ўзбекистон — қудратли индустрия ва юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги республикасидир. Кенг шохобчали саноат 100 дан ортиқ тармоққа эга бўлиб, хилма-хил маҳсулотларни, шу жумладан самолётлар ва энг мураккаб приборларни ишлаб чиқармоқда. Бошқа Совет республикалари каби Ўзбекистон маданиятининг равнақини характерлайдиган чинакам зўр муваффақиятларга эришилди.

Тошкент таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. У 2000 ёшга кирган бўлишига қарамай, навқирон, замонавий шаҳар қиёфасини олиб турибди. Уни қайта тиклашда совет кишилари жуда катта интернационал ёрдам бердилар. Ҳозир бу шаҳар машинасозлик, электроника ва саноатнинг бошқа бир қанча етакчи тармоқлари марказидир. Барча республикалардан келган меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтидан қувончли таассурот олиб кетмоқдалар. Тошкент ёзувчилар, олимлар, тинчлик курашчилари, кино санъати арбобларининг халқаро анжуманлари ўтказиладиган жой бўлиб қолди. Шаҳарнинг хизматлари ҳақли равишда ҳукуматнинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди.

Республика бўйлаб қилинган сафарда одамлар билан учрашув ва суҳбатлардан ғоят мамнун бўласан, киши. Коллективлардаги ишчанлик вазияти, меҳнаткашларнинг яхши кайфияти эътиборни ўзига тортади. Улар партиянинг сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг самарали фаолиятини бажонидил қўллаб-қувватламоқдалар.

Бугунги партия-хўжалик активларининг кенгашида илгари қабул этилган қарорларнинг бажарилишини контрол қилиш тартибида актуал масала муҳокама қилинмоқда, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Кенгашга аҳолининг молларга бўлган эҳтиёжи қондирилишини таъминлаши лозим бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф этилган. Шу боисдан ҳам ишчанлик билан конкрет равишда гаплашиб олинмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси муҳокама этилаётган масаланинг муҳимлигига ва бу масалани ҳал этишда Ўзбекистон ўйнаётган ролга мувофиқдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг бюроси, республика партия, совет, хўжалик органлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига кўп эътибор бермоқдалар. Марказий Комитет Пленумларининг талаблари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг халққа керакли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги йўл-йўриқлари асосида республика партия, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида муҳокама қилинган. Шу молларни ишлаб чиқариш қай аҳволда эканлиги чуқур таҳлил қилиниб, яхши қарор қабул этилган. Шу қарорни бажариш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Қилинаётган иш дуруст натижалар бермоқда. 1975 йилга нисбатан республикада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баравар кўпайиб, 9 миллиард сўмликка етди. Оғир саноат, машинасозлик корхоналарининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Кейинги 7 йил ичида республикада маданий-маиший моллар ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравар, маҳаллий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2,2 баравар кўпайди. Қисқа муддат ичида янги тармоқлар, жумладан, саноат усулида гилам ишлаб чиқариш, замонавий мебель, мураккаб рўзғор техникаси, чинни-фаянс ва сирланган идишлар, рўзғор химияси маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бўш меҳнат ресурслари мавжуд бўлган кичик шаҳарларда, район марказларида ва қишлоқ аҳоли пунктларида йирик корхоналарнинг филиалларини қуриш халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантиришдаги самарали йўналишларнинг бири бўлиб қолди. 1976—1982 йилларда тўрт юздан кўпроқ филиал барпо қилинди. Бу иш республика партия ташкилотининг хизматидир, шахсан ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг хизматидир. Бу — оммалаштирса арзийдиган, иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор тажрибадир.

Ҳозирги беш йилликда умуман моллар ишлаб чиқариш соҳасидаги иш дуруст давом этмоқда. Республика шу беш йилликнинг қолган даври учун пландан ташқари 1,2 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан юксак мажбуриятлар қабул қилган.

Бу ҳол бошқа республикалар учун ҳам баб-баравар характерлидир, бу эса ҳозирги вақтда бозорни кўпгина турдаги моллар билан таъминлаш имконини беради. Мана шундай шароитда саноат ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда, энди маҳсулот турларини муттасил янгилаш ва сифатини ошириш проблемалари биринчи ўринга чиқиб қолмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, сифат — ҳозирги кунда аҳолини моллар билан таъминлаш бутун проблемасининг ўзагидир.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Ўртоқлар!

Совет халқининг бахт-саодати ҳақида, унинг моддий ва маданий даражасини муттасил ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ленинчи партиямиз фаолиятининг олий қонунидир. Ҳозир партия нимаики қилаётган бўлса, келажак учун қандай режалар тузаётган бўлса, буларнинг ҳаммаси совет кишилари учун, уларнинг фаровонлиги ва бахт-саодати учун хизмат қилади.

Истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, уларнинг сифатини яхшилаш халқ турмушини яхшилашнинг энг муҳим соҳаларидан биридир. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорларида, Юрий Владимирович Андроповнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумидаги нутқида биринчи даражали иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифа — «Б» группа тармоқларининг тез юксалишини таъминлаш, халқ учун керакли моллар ишлаб чиқаришда жиддий силжишларга эришиб, миқдор билан бирга сифатни ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш проблемаларини ҳам ҳал қилиш вазифаси қўйилди.

Республикамизда бу соҳада муайян иш қилинди. Ўн биринчи беш йилликда Қорақалпоғистон АССРда, республиканинг ҳамма областларида калава ип, ип-газлама, ип ва шойи газлама, мебель, идишлар, тикувчилик буюмлари, ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган бир қанча катта-катта корхоналар, цехлар ва филиаллар ишга туширилди.

Енгил саноатни ривожлантириш учун икки йил ичида бутун ўнинчи беш йилликдагига қараганда кўпроқ асосий фондлар ишга туширилди. Тўқимачилик тармоғи, айниқса, тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шу давр ичида хом ип газлама ишлаб чиқарувчи қувватлар икки ҳисса кўпайди.

Корхоналар реконструкция қилинди ва техника билан қайта қуроллантирилди. «А» группа корхоналарида маданий-маиший моллар ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш ҳажмлари муттасил ортмоқда. Шу йилнинг ўзида юзга яқин корхона халққа керакли моллар ишлаб чиқаришга жалб этилди.

Кўпгина министрликлар, идоралар ва корхоналар КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг энг зарур ва оммавий равишда талаб қилинадиган моллар ишлаб чиқаришга тааллуқли қарорларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажармоқдалар.

Бухоро, Андижон, Тошкент областларининг, Тошкент шаҳрининг саноати, республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Газ саноати министрлигининг, Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати ва Мебель саноати министрликлари, «Союзмашхлопководство», «Узбекнефть» ва «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент лак-бўёқ заводи, Қўқон «Большевик» заводи ва бошқа корхоналар бир маромда ишламоқда. Тўққиз ойлик пландан ташқари 158 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Икки минг турдан ортиқ маҳсулот давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. «Янгилик» белгиси қўйилган ва чиройли гуллар солиб безатилган буюмлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Кейинги вақтларда умуман Енгил саноат министрлигининг, Мебель саноати министрлиги ва Маҳаллий саноат министрлигининг маҳсулот сифати бирмунча яхшиланди. Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси ҳозир ўз маҳсулотининг 63 процентини, Самарқанд «8 Март» бирлашмаси 36,3 процентини давлат Сифат белгиси қўйиб чиқармоқда.

«Тошкент» мебель бирлашмасида, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация бирлашмасида, бадиий буюмлар фабрикасида, Олмалиқдаги гилам фабрикаси, Қўқондаги пойабзал фабрикаси, Бухоро зардўзлик фабрикасида ҳамда бир қанча бошқа бирлашмалар ва корхоналарда давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотлар чиқариш кўпайди.

Партия, совет ташкилотлари ва хўжалик органларининг саботли иши туфайли беш йилликнинг ўтган даврида халққа керакли моллар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди, пландан ташқари 760 миллион сўмлик мана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари 22,7 процентни ташкил қилди ёки белгиланган топшириқдан 6,4 процент кўпайди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида халқ истеъмол қиладиган молларнинг салмоғи ўтган йилга нисбатан 5 процентдан зиёд кўпайди.

Биз хом ашё ва моддий ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак, деб ҳисоблаймиз. Кўпгина министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар ишлаб чиқариш чиқитларидан ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш ташаббусини кўтариб чиқмоқдалар, бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини бермоқда.

Республика пахта тозалаш саноатида пахта толаси ва линт ўраш учун 18 миллион квадрат метрдан кўпроқ ип ва каноп газлама ишлатилмоқда. Республика Пахта тозалаш саноати министрлиги Москва, Хонқа ва Учтепа пахта заводларида чиқиндилардан нотўқима материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, мутлақо тўғри иш қилди. Ҳозир шу нотўқима материаллардан пахта маҳсулотини ўраш учун кенг фойдаланилмоқда.

Андижон область маҳаллий саноат бошқармаси ёғочлик буюмлари тайёрлайдиган корхона ташкил этди. Шиша чиқиндилари бунинг учун хом ашё бўлиб хизмат қилмоқда. Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Чирчиқ шаҳридаги шиша заводида синган шишадан тайёрланаётган шиша идиш аҳолига манзур бўлмоқда.

Енгил, Маҳаллий, Мебель саноати, Ўрмон хўжалиги, Машинасозлик министрликларининг, республика Госснабининг корхоналарида маҳаллий хом ашёдан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида анчагина иш қилинмоқда.

Ҳар бир область, районда қанчадан қанча чиқинди, қанчадан қанча маҳаллий хом ашё бор, биз улардан омилкорлик билан фойдаланаётганимиз йўқ. Бу резервлардан фойдаланишда кўпроқ ташаббускор бўлишни, халққа керакли моллар ишлаб чиқаришни қатъият билан кўпайтиришни турмушнинг ўзи талаб қилмоқда.

Биз эришилган натижаларни муносиб баҳолаш билан айни бир вақтда оммавий равишда талаб қилинаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва турларини кўпайтириш йўлида илк қадамларгина қўйилганини равшан англаб турибмиз. Халқ истеъмол қиладиган кўпгина турдаги моллар ишлаб чиқариш даражаси, уларнинг сифати ҳали аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондираётгани йўқ.

9 ойлик иш якунлари планлар ва қўшимча топшириқлар айрим жойларда бажарилмаётганидан далолат бериб турибди. Баъзи областлар, министрликлар ва идоралар бизга панд берганликларини ва панд берганда ҳам жуда қаттиқ панд берганликларини рўй-рост, ошкора эътироф қилмоқ керак.

Хоразм области халқ истеъмол молларини планда белгиланганидан 17 миллион сўмлик, Сирдарё ва Қашқадарё областлари 8, Навоий области 1,4 миллион сўмлик, республика Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги 4,7 ва Балиқ хўжалиги давлат комитети 1 миллион сўмлик кам берди.

Қолоқлар орасида Хива гилам комбинати, Самарқанд холодильник заводи, Олмалиқ рўзғор химияси заводи, Шўрчи ун комбинати, Фарғона ёғ-мой комбинати, Наманган ёғ-экстракция заводи, Нукус мебель фабрикаси ва Бекобод металлургия комбинати бор, улар 40 миллион сўмлик маҳсулотни кам бердилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида пахта териш ва тайёрлашнинг боришини кўриб чиқди. Хоразм ва Тошкент областлари, Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари яхши ишлаётганликлари қайд этилди. Шу билан бирга Жиззах, Сирдарё ва Фарғона областлари хўжаликларида йиғим-терим қониқарли ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Мазкур областларда терим техникасидан, меҳнат ресурсларидан дуруст фойдаланилмаяпти. Область, район партия комитетларига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларига, агросаноат бирлашмаларига, хўжаликларнинг раҳбарларига пахта териш ва тайёрлаш суръатларини кучайтириш, барча терим техникасини ишга солиш, мавжуд бутун меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш вазифаси топширилди. Бюро республика Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Госкомсельхозтехника»нинг барча бўлинмаларига далалардаги терим машиналарига кўрсатиладиган техника хизматини пухта таъминлаш, агрегатлар ремонтини ўз вақтида ташкил этиш, техниканинг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик мажбуриятини юклади. Пахта тозалаш саноати министрлигига пахтани ҳар қандай об-ҳаво шароитида узлуксиз қабул қилиб олиш, барча қуритиш, тозалаш цехларининг кеча-кундуз ишлашини ташкил этиш, тайёрланган бутун ҳосилнинг зарур даражада сақланишини таъминлаш топширилди.

(Давоми иккинчи бетда).

И. В. КАПИТОНОВ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов 21 октябрь куни Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида И. В. Капитоновни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР БИРЛАШГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ КЕНГАШИНИНГ БЎЛАЖАК МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

1983 йил октябрь ойининг охирларида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган қуролли кучлари ҳарбий кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлади.

ХАЛҚ УЧУН МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Ўртоқ И. В. КАПИТОНОВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Ўртоқ Ю. В. Андропов неча бор таъкидлаганидек, моллар бизга магазинларнинг токчаларида ётиши учун эмас, балки ўз сифати жиҳатидан аҳолининг энг юксак талабларига мос келадиган молларга бўлган эҳтиёжини яхши қондиришимиз учун керак. Одамлар магазинда нимаики бўлса, сотиб олаверадиган пайтлар ўтиб кетди. Ҳозир улар яхши, юқори сифатли маҳсулотларни талаб қилмоқдалар.

Бу соҳада республикада тадбирлар кўрилаётганини айтиб ўтиш керак. Кўпгина янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Маҳсулотнинг бир ярим мингга яқин тури давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Бир қанча ишлаб чиқариш коллективлари бозорнинг ошиб бораётган талабларига сезгирлик билан қарамоқдалар, республика халқ истеъмол моллари виставкасини кўздан кечириб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу ерга кўзни қувонтирувчи кўпгина сифатли маҳсулотлар қўйилган.

Республикада сифатни ошириш масаласи тўғри ва ўткир қилиб қўйилмоқда. Эскирган фасондаги, аҳолининг дидига ёқмайдиган гуллар солинган ва шу сабабли касод бўлиб магазинларда ва омборларда ётган молларни ишлаб чиқараётган корхоналарнинг раҳбарлари ҳақли равишда танқид қилинмоқда. Товар обороти плани бажарилмаслиги хусусида ҳам ҳақли равишда ташвиш изҳор этилмоқда.

Партия, совет, касаба союз ташкилотларининг, хўжалик кадрларининг, халқ учун моллар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини сифат проблемаларини ҳал этишга қаратиш зарур. Маҳсулот сифатини корхона ишчисидан тортиб директоригача — ҳар бир киши меҳнати натижаларининг мезонига айлантириш керак. Социалистик мусобақада бу масала биринчи ўринга қўйилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети яқинда 1984—1985 йиллар учун оширилган мажбуриятлар қабул қилган илғор корхоналарнинг ташаббусини маъқуллади. Бу мажбуриятларда мавжуд резервлардан максимал равишда фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини анча яхшилашни таъминлаш кўзда тутилган. Республикадаги бир қанча корхоналарнинг мажбуриятларини маъқуллаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори ҳам шунга қаратилгандир. Ишчилар ва мутахассислар бу ташаббусни қўллаб-қувватлашларини билдирмоқдалар, Ўзбекистон корхоналарида ҳам сифатни яхшилаш резервлари борлигини айтмоқдалар. Эндиги гап шу резервларни ишга солиш учун зарур ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратишга боғлиқ. Ходимларни фабрика ва завод маркасининг шарафи учун юксак масъулият ва ўз касбидан фахрланиш туйғусини сезиш руҳида тарбиялаш муҳимдир.

Кенгашда, деди И. В. Капитонов, енгил саноат масалаларига ҳақли равишда катта эътибор берилди. Унинг маҳсулоти республикада ишлаб чиқарилаётган молларнинг чорак қисмини ташкил этади. Бу тармоқ жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ўтган беш йиллик мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб бир ярим баравар, шу беш йилликнинг икки йилида эса яна 15 процент кўпайди. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида бу тармоққа 1,3 миллиард сўм сарфлаш мўлжалланмоқда. Шу жиҳатдан Андижон ип газлама комбинати ибратлидир. Тез ва соз қурилган бу комбинат яқин йилларда мамлакатнинг энг катта тўқимачилик корхоналаридан бири бўлиб қолади. Тошкент тўқимачилик комбинати эса реконструкция йўли билан ўзгартирилаётганини кўрдик.

Партия билан давлатнинг ғамхўрлигига жавобан енгил саноатнинг ишчи ва хизматчилари беш йилликнинг икки йили топшириғини ошириб бажардилар. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръати пландаги 11,4 процент ўрнига 15,8 процентга етди. Ип газлама ишлаб чиқариш 34 процент, пайпоқ ишлаб чиқариш 21 процент кўпайди. Аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган маҳсулот ҳажмида давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғи 34 процентни ташкил қилди.

Бу кўрсаткичлар чакки эмас. Аммо уларни мавжуд имкониятларга таққослаб кўрадиган бўлсак, катта-катта резервлар борлиги дарҳол кўриниб қолади. Тўқимачилик корхоналарининг қувватларидан фойдаланиш даражаси 70 процентни ташкил этади, бир қанча йирик комбинатларда бундан ҳам кам. Бунга кўпгина омиллар таъсир қилмоқда. Янги қурилган корхоналарда меҳнат коллективларини вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар мана шу омилларнинг биридир. Бу проблемани ҳал этишда илғор корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш соҳасида орттирган тажрибадан ҳали етарли фойдаланилмаяпти. Аввало юқори малакали ишчи ва мутахассис кадрларни ўз вақтида тайёрлаш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада ва бошқа илғор формаларини янада актив жорий қилиш назарда тутилади. Тўқимачилик ва аввало йигирувчилик ва тўқувчилик касбларининг обрўсини кўтариш, улардан энг яхшиларининг номларини бутун республика биладиган қилиш керак.

Одамларнинг ишлаб чиқаришда мустаҳкам ўрнашиб қолиши, меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларига доим эътибор берилиши зарур. Шу беш йилликда уй-жой ва мактабгача тарбия муассасаларини ишга тушириш планларининг бажарилмай қолишига йўл қўйган корхоналар ва республика министрликлари раҳбарларига эътироз билдириш керак. Республикада бошқа объектларни қуриш йиллик планлари ошириб бажарилаётгани ҳолда, бундай аҳволга йўл қўйилганини, айниқса кечириб бўлмайди. Республикада яшовчи барча миллат ва элатлар орасида малакали ишчилар тайёрлашни кенгайтириш ва яхшилаш тўғрисида КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифани доимо ёдда тутиш керак. Ўртоқ Ю. В. Андропов таъкидлаганидек, бундай қилиш экономикани ривожлантириш учун ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам муҳимдир.

Шу йилнинг май ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида «А» группа саноат корхоналари олдига конкрет вазифалар қўйилди. Уларда ҳам бирталай резервлар бор. Уларнинг ҳар тўрттасидан бири аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш билан шуғулланмаяпти. Бозорни моллар билан таъминлашда, ихтисосидан қатъи назар, барча тармоқларнинг, ҳар бир корхонанинг актив қатнашишини таъминлаш умумдавлат вазифасидир. КПСС Марказий Комитети бу вазифани ҳал этишга юксак партиявий талабчанлик билан ёндашмоқда.

Сўнгра нотиқ халқ истеъмол молларига бевосита алоқадор бўлган пахтачилик масалаларига тўхталди. Вақт ўтиши билан пахтанинг аҳамияти камайиб эмас, балки тобора ошиб бормоқда. Тўқимачилик саноатида ишлатилаётган тола ҳажмининг 40 проценти пахтадан иборат. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган жами газламанинг 60 процентдан ортиғи ип газламалардир.

Мамлакатда етиштирилаётган пахтанинг учдан икки қисмини Ўзбекистон бермоқда. Беш йилликнинг дастлабки икки йилида республика давлатга ҳар йили 6 миллион тонна «оқ олтин» берди, бу аввалги беш йилликда йилига ўрта ҳисобда тайёрланган пахтадан анча кўпдир. Пахтачилик хўжаликлари техника билан тобора кўпроқ таъминланмоқда. Жумладан, машина терими ҳақиқатда ҳосилни йиғиштириб олишнинг асосий усули бўлиб қолди. Пахтачиликдаги муваффақиятларга партия ва совет органларининг зўр ташкилотчилик иши туфайли, ҳаддан ташқари мураккаб шароитларда тобора мўл ҳосил олаётган пахтакорларнинг фидокорона меҳнати туфайли эришиш мумкин бўлди. Биз Избоскан районининг «Октябрь 50 йиллиги» совхози далаларида бўлиб, ажойиб меҳнатчилар билан учрашиб, яхши ҳосил олиш учун кўп меҳнат, маҳорат сарфлаш, пахтакорнинг жондили билан ишлаши кераклигига ишонч ҳосил қилдик, деб уқтириб ўтди И. В. Капитонов.

Пахта етиштиришда ҳам сифат масаласи ҳозир биринчи ўринга чиқиб қолаётганини анализ кўрсатиб турибди. Технология занжирининг илк ҳалқаси бўлган айни шу ерда бўлажак маҳсулотнинг сифатига замин яратилади.

Республиканинг кўпгина колхоз ва совхозлари муттасил юксак навли пахта етиштирмоқдалар. Аммо бир қанча областларда кейинги йилларда пахтанинг биринчи навлари салмоғи пасайиб бораётганлиги, ундан тола чиқиши камайиб бораётганлиги сезилиб турибди. Аммо бу нарса қимматбаҳо хом ашёни қўшимча равишда олиш резерви, ахир.

Пахта тозалаш саноатининг ходимлари пахта сифати учун деҳқонлар билан биргаликда жонкуярлик билан курашишлари керак. Андижон областидаги Москва пахта тозалаш заводининг коллективи ўзининг мана ш вазифасини жуда яхши тушуниб турибди. Унинг цехларига «Сифат учун кураш — бош вазифа», «Ўртоқ ёдда тут! Мамлакат тўқимачилари аъло сифатли маҳсулот кутмоқдалар!» деган жуда тўғри шиорлар осиб қўйилган.

Республикада шу тармоқ корхоналарининг қувватини ошириш ва уларни техника билан қайта қуроллантириш соҳасида анчагина иш қилинди. Янги пахта тайёрлаш пунктлари, пахта заводлари, қуритиш-тозалаш цехлари ишга туширилди. Бу ишларга давлат бирталай маблағ ажратмоқда, шу маблағдан ғоят самарали фойдаланиш керак.

Пахтани териб олиш яқин вақт ичидаги вазифаларнинг энг муҳимидир, албатта. Терим ишлари суръатини жадаллаштириш, бу йил ҳам план ва социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қилиш керак.

Беш йилликнинг учинчи йили тугашига аслида икки ой вақт қолди. Партия, давлат, хўжалик ташкилотлари олдида йилни экономиканинг ҳамма соҳаларида муваффақиятли якунлашдек муҳим вазифа турибди. Бунинг учун республикада ҳамма имкониятлар бор. Тўққиз ой ичида саноатда ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 4 процент ўрнига 4,5 процент ошди. Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш йиллик планлари, давлатга гўшт, сут, тухум сотиш тўққиз ойлик топшириқлари бажарилди. Ҳозир шоли ўримида юксак уюшқоқлик талаб қилинади. Қурилишда масъулиятли давр бошланди. Пландаги ҳамма объектлар қолган вақт ичида ишга туширилиши керак.

Эришилган марраларда мустаҳкамланиб олиб, 1984 йилни дадил бошлаш жуда муҳимдир. Келгуси йил республика учун шонли йилдир. Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси 60 ёшга тўлади. Меҳнаткашлар бу санани коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятлар билан кутиб олишларига шак-шубҳа йўқ.

Республика партия активи ўртада турган вазифалар ва уларни ҳал қилиш йўлларини аниқ тасаввур этади. Ҳамма гап шу вазифаларнинг бажарилишини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга, меҳнат коллективларини шу вазифаларни бажаришга сафарбар қилишга боғлиқ.

Партия ҳисобот-сайлов кампанияси бунинг учун яхши имконият беради. Бутун мамлакатда бўлгани каби республикада ҳам бу кампания уюшқоқлик билан, коммунистларнинг юксак активлиги вазиятида ўтмоқда.

Ҳисобот-сайлов кампаниясининг йўналиши КПСС Марказий Комитетининг маълум қарорида белгилаб берилган. Йиғилиш ва конференцияларнинг мазмунида КПСС Марказий Комитети кейинги вақтларда кўриб чиққан актуал масалалар ҳам ўз ифодасини топишини таъминлаш лозим. Социалистик мусобақани такомиллаштириш, халқ истеъмол моллари сифатини ошириш, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланишни яхшилаш масалаларига оид йўл-йўриқлар, Марказий Комитетнинг Темир йўллар министрлиги партия комитетининг иши тўғрисидаги қарори назарда тутилмоқда.

Йиғилиш ва конференциялар интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга, омманинг ижодий ташаббусини ривожлантиришга, раҳбарлик услубини такомиллаштиришга имкони борича кўпроқ кўмаклашиши керак. Ҳар бир коллективда иш вақтидан фойдаланишнинг аҳволини синчиклаб таҳлил этиш, мана шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан қўйилган талаблар қандай амалга оширилаётганини эътибор билан кўздан кечириш лозим.

И. В. Капитонов сўзининг охирида бундай деб таъкидлади: республика партия ташкилоти мустаҳкам, жипслашган. У — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли отряди, КПСС ленинчи Марказий Комитетининг ишончли таянчидир. Мана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг бюроси раҳбарлигида республика коммунистлари, меҳнаткашлари партия режаларини бажариш учун бундан буён ҳам сабот билан ишлайверадилар, кўп миллатли социалистик давлатимизни ҳар томонлама мустаҳкамлайверадилар, деган ишонч туғдиради. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Республика Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги ва Енгил саноат министрлиги маҳсулотнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни уддалай олмадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми қарорларига мувофиқ, шу йил учун белгиланган қўшимча топшириқни 9 ой ичида Сурхондарё области саноати 45 процент, Наманган области саноати 47 процент бажарди.

Енгил саноат министрлиги бу топшириқни 30 процент, Озиқ-овқат саноати министрлиги 20, Ўрмон хўжалиги министрлиги 15 процент бажарди. Топшириқни бажаришда «Подъемник», «Узбекхиммаш», «Компрессор» заводлари, Фарғона сунъий чарм заводи, Наманган машинасозлик заводи орқада қолмоқдалар.

Бунчалик ҳам ёмон ишлаш, партия ва давлат интизомини бунчалик ҳам бузиш мумкинми, ахир? Мана шу ва бошқа министрликлар ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари, уларнинг партия ташкилотлари шошилинч чоралар кўриб, аҳволни тузатиб олишлари керак.

Янги ишга туширилган қувватларни ўзлаштиришдаги қолоқлик ва ишлаб турган қувватлардан яхши фойдаланмаслик айрим министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва корхоналар ишидаги жиддий камчиликдир. Саноатнинг чарм пойабзал тармоғини тубдан яхшилаш керак.

«А» группадаги бир қанча корхоналарда истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш суст кўпайтирилмоқда. Шунинг натижасида республикага баъзан энг оддий маданий-маиший моллар ва рўзғор ашёлари ҳам четдан ташиб келтирилмоқда. Бу корхоналар ҳозирча маданий-маиший эҳтиёжлар учун керак бўлган мураккаброқ моллар ишлаб чиқариш борасида кам иш қилмоқдалар.

Мебель, пойабзал, тикувчилик, трикотаж буюмлари, нон, сут ва бошқа маҳсулотларнинг айрим турларининг камлиги ва сифати пастлиги хусусида кўпгина ҳақли эътироз билдирилмоқда.

Буюмларнинг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш, уларни аҳоли эҳтиёжларига ва савдо талабларига мувофиқ ўз вақтида янгилаб туриш, уларнинг рақобат қобилиятини ошириш ва материал ишлатилишини камайтириш бизнинг энг муҳим вазифамиздир. Бу соҳадаги ишимизни синчиклаб таҳлил этишни, танг жойларни, камчилик ва нуқсонларни аниқлашни, фойдаланилмаётган резервларни ҳаракатга келтиришни иш манфаатлари талаб қилади.

Халқ учун моллар ишлаб чиқариш — ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишидир. Биз республиканинг ҳар бир корхонаси халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган шу йилги планни ҳамда қўшимча топшириқларни тўла ва ошириб бажариши учун ҳамма ишни қилишимиз керак.

Мамлакат илғор корхоналарининг КПСС Марказий Комитети яқинда маъқуллаган ташаббуси оммавий равишда талаб қилинаётган маҳсулотларни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун кенг имкониятлар очади. Бу корхоналар юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдиришга чақирдилар ва 1984—1985 йиллар учун оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Бугун матбуотда Андижон ип газлама комбинати, Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Наманган аврли шойи газламалар комбинати, Қўқон пойабзал фабрикаси коллективларининг оширилган социалистик мажбуриятлари эълон қилинди. Илғор коллективларнинг ватанпарварлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш жуда муҳимдир.

Фан-техника ютуқларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, мустаҳкам технология ва меҳнат интизоми бизга беш йиллик пландан ташқари 1 миллиард 800 миллион сўмлик турли моллар ишлаб чиқариш имконини беради. Яна бир муҳим масала бор. У ҳам бўлса, аҳолига маиший хизматни кенгайтириш ва яхшилашдир. Биз республика партия-хўжалик активининг йиғилишини ўтказиб, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларига мувофиқ шу тармоқни ривожлантиришнинг, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириб, 1990 йилгача 1 миллиард сўмликка етказишнинг комплекс программасини белгиладик.

Бу проблема шу қадар ўткир қилиб қўйилаётганининг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, биз аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш жиҳатидан мамлакатнинг бир қанча республикаларидан ҳали ҳам анча орқада қоляпмиз.

Шу қолоқликни тугатиш учун тармоқни жадал ривожлантириш, хизмат маданиятини кўтариш, хизмат турларини анча кенгайтириш лозим.

Маиший хизматнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат сифатини анча яхшилаш, маиший хизмат ходимларини ишга ҳалол муносабат ва юксак шахсий маданият руҳида тарбиялаш соҳасида ҳам кўп иш қилиниши керак.

Ўртоқлар! Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш кўп жиҳатдан капитал қурилишнинг ҳажми ва суръатларига, янги қувватларни ўз вақтида ишга тушириш ва ўзлаштиришга боғлиқ.

КПСС Марказий Комитети билан Иттифоқ ҳукуматининг доимий ёрдами ҳамда ғамхўрлиги туфайли республикада шу тармоқларнинг ривожланиш суръатлари йил сайин ўсиб бормоқда. Тўққизинчи беш йилликда бу тармоқларни ривожлантиришга республикамизда 838 миллион сўм, ўнинчи беш йилликда 1 миллиард 155 миллион сўм сарфланган бўлса, ўн биринчи беш йилликда қарийб 2 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган. Шундай қилиб, ҳар беш йилликда ўсиш 40—70 процентни ташкил этди.

Шу билан бирга, ҳар бир беш йилликда ҳамма ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлари ишга туширилганини, капитал маблағлар тўла-тўкис ўзлаштирилганини уқтириб ўтиш муҳимдир.

Бизнинг қурилиш, монтаж ташкилотларимиз ва объектларни ишлатувчи саноат корхоналаримиз коллективлари доимо янги қувватларни барвақт ишга тушириш ва ўзлаштириш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббускорлари бўлиб, уларни қисқа муддатларда қуриш соҳасида салмоқли тажриба орттирганлар.

Республикамизда енгил, пахта тозалаш, гўшт ва сут саноати, айниқса, яхши ривожланган. 1981 ва 1982 йилларнинг ўзида калава ип ва ип-газлама ишлаб чиқарадиган қувватларимиз икки баравар кўпайди. Икки йил мобайнида 300 мингтадан кўпроқ йигирув урчуғи, 108 мингта йигирувчи ўрни ва қарийб 11 мингта тўқув станоги ишга туширилди.

Шундай бўлса ҳам бу нарса бизни мутлақо қаноатлантирмайди, чунки аҳолининг молларга ва озиқ-овқатга бўлган талаби ҳам муттасил ошиб бормоқда.

Айниқса шу тармоқларнинг бу йилги ривожланиши натижалари бизни қаноатлантирмайди. Тўққиз ойнинг якунлари кўпгина қурилиш ва монтаж ташкилотлари ўз планларини бажармаётганини кўрсатди.

Қурилиш министрлиги (ўртоқ Н. Р. Ражабов), Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги (ўртоқ П. К. Нўъмонов), Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети (ўртоқ Т. Б. Боймиров), «Главташкентстрой» бошқармаси (ўртоқ Т. Н. Набиев) ва Қишлоқ қурилиши министрлиги (ўртоқ Н. Ғ. Қурбонов) ташкилотлари кўп миқдорда қарздор бўлиб қолдилар.

Бу ерда шу хусусдаги мисоллар келтириб ўтилган бўлса ҳам, қуйидаги рақамларни яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Қурилиш министрлигининг ташкилотлари умуман Енгил саноат министрлигининг объектлари бўйича тўққиз ойлик планни 83 процент, Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг объектлари бўйича эса бор-йўғи 32 процент бажарган.

Қишлоқ қурилиши министрлигининг ташкилотлари Озиқ-овқат саноати министрлигининг объектлари бўйича тўққиз ойлик планни 38 процент ва Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг объектлари бўйича 88 процент бажарди.

Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг иши бундан ҳам ёмон. Енгил саноат объектларида план 78 процент бажарилган, «Главташкентстрой» эса атиги 70 процент бажарган. Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг ташкилотлари бу қурилишлардаги ишларни суст суръатлар билан олиб бормоқдалар.

Яқинда биз Марказий Комитет Бюросида шу тармоқларнинг қурилишларидаги ишларни кучайтириш юзасидан кўрилган тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларни батафсил таҳлил этдик. Зарур куч ва ресурслар шу қурилишларга тўпланади, деб умид қилган эдик. Бироқ, бу тадбирлар амалий иш билан етарли равишда мустаҳкамланмаётгани жойлардаги ишларнинг аҳволини текшириш натижасида маълум бўлди.

Хўш, ҳурматли министр ўртоқлар, нега сизлар «Б» группа қурилишларига куч ва ресурсларни тўплашни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада пайсалга соляпсизлар? Озиқ-овқат программасининг бажарилиши ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайтирилиши учун жавобгар эканликларингиз ҳақида сизларни ҳам яна бир бор огоҳлантирамиз.

Биз аҳволни дарҳол тузатиб олишни, йўл қўйилган қолоқликни тугатиш таъминланишини ва бу йил ишга тушириладиган ҳамма объектлар қуриб битказилишини талаб қиламиз.

Объектлар қурилиши Қашқадарё, Андижон, Бухоро, Самарқанд областларида ва Тошкент шаҳрида ҳаддан ташқари қониқарсиз олиб борилмоқда.

Область партия комитетларининг ва Тошкент шаҳар партия комитетининг секретарлари шу ерда ўтиришибди. Биз объектлардан ҳар биридаги аҳволни қайта-қайта суриштиришни, уларга зарур миқдордаги маблағ, материал, конструкциялар берилишини таъминлашни, уларни маҳаллий меҳнат ресурслари ҳисобига ишчи кадрлар билан тўла-тўкис таъминлашни илтимос қиламиз. Бу ишни энди орқага суриб бўлмайди, қиш ва ёғин-сочин даври яқинлашиб келмоқда.

Биз шу ерда ҳозир бўлган буюртмачи министрликлар ва идораларнинг раҳбарларига ҳам мурожаат этамиз. Бизда ишга тушириладиган кўпгина объектлар ҳали ҳам асбоб-ускуналар ва махсус материаллар билан тўла-тўкис таъминланмаганидан дарак берувчи фактлар бор.

Монтаж ишлари бошланиши арафасидаги ревизия жуда суст олиб борилмоқда. Маҳаллий саноат министрлиги, Балиқ хўжалиги давлат комитети, Озиқ-овқат саноати министрлигининг бир қанча объектларида мана шундай фактлар содир бўлмоқда.

Ҳозир ҳаммамизнинг вазифамиз битта, у ҳам бўлса қолоқликка барҳам беришдан, капитал маблағни йил охиригача тўла-тўкис ўзлаштиришдан, ишга тушириладиган ҳамма объектларни ҳаракатга келтириб, улардан маҳсулот ола бошлашдан иборат бўлиши керак.

Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Маблағ ва ресурслар бор. Тўқимачилик корхоналари ва бошқа корхоналарнинг катта-катта филиалларини нормадаги 32 ой ўрнига 9—10 ой ичида ҳашар усулида қуришда тажрибамиз бор.

Шу сабабли биз «Б» группасида ҳамма объектларни йил охиригача ишга тушириш биринчи галдаги вазифа эканини яна бир карра такрорлаймиз. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ!

Ўртоқлар! Бугунги кенгашда батафсил, принципиал партиявий муҳокама бўлиб ўтди. Азиз Иван Васильевич, Сизнинг республика ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган мазмундор нутқингиз ҳаммамизда унутилмас таассурот қолдирди. Ўртоқ И. В. Капитонов республика партия ташкилоти олдига, совет, касаба союз, комсомол органлари, министрликлар ва идоралар, меҳнат коллективлари олдига энг муҳим, энг зарур вазифалар қўйди, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, меҳнатни бригада усулида ташкил этиш системасини жорий қилиш зарурлигига эътиборимизни алоҳида қаратди.

Иван Васильевич, биз қимматли маслаҳатларингиз ва тавсияларингиз учун, республикамизга доимий ёрдам ва эътибор учун Сиздан миннатдормиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бугун айтилган танқидий мулоҳазалар ва қимматли таклифларни эътибор билан кўриб чиқиб, молларнинг турларини қатъиян кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, уларни кўпроқ ишлаб чиқариш, юксак истеъмол хусусиятларига эга бўлган маҳсулотлар яратиш ва ўзлаштириш учун тегишли қарор қабул қилади.

Ўртоқлар, сизларга яхши маълумки, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўн иккинчи беш йиллик плани ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг анча олис истиқболга мўлжалланган асосий йўналишлари таркибида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат кўрсатиш системасини ривожлантиришнинг комплекс программасини ишлаб чиқиш зарур деб топди.

Ҳали зўр ғайрат билан кўп иш қилиниши керак. Бу иш халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларидаги резервларни обдон аниқлаб чиқишни, бу бениҳоя муҳим ишдаги куч-ғайратларимизни икки-уч ҳисса оширишни талаб қилади. Мана шу ишни ҳозир, шу бугуноқ қилиш керак. Вақтни бой бериб бўлмайди.

Партия комитетларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бурчи — юксак ижодий активлик, талабчанлик ва интизомлилик вазиятини вужудга келтиришдан, план топшириқлари, шартномалар, мажбуриятлар бажарилиши учун ходимларнинг масъулиятини оширишга кўмаклашишдан иборат.

Партия халқ учун шунчаки кўпроқ молларни эмас, балки олий сифатли моллар ишлаб чиқаришга чақирмоқда. Бу талаб оммавий истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ҳар бир меҳнат коллективининг шиори бўлиб қолиши керак.

Ўртоқлар! Энди пахта тайёрлаш масалаларига тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз. Республикада пахта терими соҳасида бениҳоя қийин аҳвол вужудга келди. Бугунгача 3 миллион 900 минг тонна ёки планга нисбатан 66,5 процент пахта тайёрланди.

Биз ўтган йиллар даражасидан орқада қолишимизнинг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, пахтачилик тарихидаги салкам юз йил мобайнида бундай оғир ва машаққатли йил асло бўлган эмас. Кўкламда қарийб уч ой мобайнида бир томчи ҳам ёмғир ёғмади. Шунинг оқибатида биз чигитни бир текис ундириб ололмадик. Ёзда жазирама иссиқ бўлди. Симоб устуни 50 даражагача иссиқни кўрсатди. Дўл уриши, чанг бўронлари, қаттиқ шамоллар ҳосилга ўнгарилмас зиён етказди. Натижада ғўза бир текис ўсмади, ривожланишдан жуда орқада қолди.

Кузда об-ҳаво яна ўз инжиқликларини кўрсатмоқда. У пахтакорларнинг характерини, маҳорати ва меҳнатсеварлигини қаттиқ синовдан ўтказмоқда.

Аммо одамлар энг оғир синовларга бардош бериб, кечаю кундуз фидокорона меҳнат қилиб, етиштирилган мўл ҳосилни сақлаб қолишга интилмоқдалар. Шаҳарликлар, студентлар ва ўқувчилар ғайрат билан далада беминнат ишламоқдалар. Пахта учун бошланган жанг барча ёшдаги ва касбдаги кишиларни янада маҳкамроқ жипслаштирди.

Ҳозир республиканинг уч миллиондан кўпроқ аҳолиси бевосита ҳосил теримида қатнашиб, ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини муқаддас бажармоқда. Бу кишилар териб олинган ҳар бир пахта чаноғи — Ватанимиз қудратини кўпайтирадиган олтин зарраси эканини, кўпмиллатли Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигига, совет халқининг фаровонлигини оширишга қўшилган ҳисса эканини яхши тушуниб турибдилар.

Ҳамиша ҳам пахта осонликча етиштирилмайди. Об-ҳаво бизни неча марталаб синовга дучор қилган. Биз ўз уюшқоқлигимиз ва интизомимиз, фидокорлигимиз ва масъулиятни сезишимиз туфайли доимо бу синовлардан шараф билан ўтганмиз.

Бу сафар ҳам шундай бўлади. Қолоқликни тугатиш, жами ҳосилни териб олиш, пахта толасининг сифатини яхшилаш, давлатга 6 миллион тонна «оқ олтин» сотиш учун кучимиз, иродамиз, қатъиятимиз ва ишчанлигимиз етарлидир.

Кеча Гурлан райони республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш давлат планини бажарди, яқин кунларда Хонқа, Хива, Бўка, Коммунистик, Ленинобод, Қораўзак, Тўрткўл, Ғиждувон районларининг пахтакорлари йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт берадилар. Хоразм области билан Қорақалпоғистон АССР пахта тайёрлашни юқори суръатлар билан олиб бормоқдалар. Пахтанинг сифати ҳамма жойда ўтган йилларга нисбатан анча яхши эканини қайд этиш қувончлидир. Бу — пахтакорларимиз, пахта тозалаш саноати ходимлари қаҳрамонона меҳнатининг натижасидир, партия ташкилотлари олиб борган моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг якунидир.

Пахта тайёрлаш суръатларини янада юқори кўтариш, қийинчиликлар олдида чекинмаслик, кўпроқ уюшқоқ ва интизомли бўлиш, матонат ва қатъият, эпчиллик ва омилкорлик кўрсатиш — бизнинг энг муҳим вазифамиздир. Партиявий раҳбарлик санъати ҳам мана шундан иборат.

Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари коммунистик қурилишдаги куч-ғайратларини кўпайтирадилар, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат қилишни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарадилар, 1983 йилги давлат планини ва умуман беш йилликнинг уч йили планини муваффақиятли бажарадилар, деб Сиёсий бюрони, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповни ва шахсан Сизни, азиз Иван Васильевични, ишонтиришга ижозат бергайсизлар. **(Давомли қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

(Боши биринчи бетда).

Ўн иккинчи беш йилликда ва бирмунча олис истиқболда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат кўрсатиш системасини ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг 1983—1985 йилларда халқ истеъмоли молларини қўшимча равишда ишлаб чиқариш ва уларнинг сифатини яхшилашга оид тадбирлари маъқулланди. Жумладан, беш йиллик топшириқларидан ташқари 1,8 миллиард сўмлик истеъмол моллари тайёрлаш, болалар учун моллар, маданий-маиший ва хўжалик моллари ишлаб чиқаришни кескин ошириш, 15 та фирма магазини очиш белгиланди. Область партия комитетларига, область ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга мана шу тадбирларнинг ижросини аниқ ташкил этиш ва мунтазам контрол қилиб туриш топширилди.

1984 йил ҳосилига замин тайёрлаш учун кузги-қишки ишларни муваффақиятли ўтказишга оид тадбирлар кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда партия комитетларига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларига, республика министрликлари ва идораларига конкрет топшириқлар берилди. Бу топшириқларнинг бажарилиши келгуси ҳосил учун мустаҳкам замин тайёрлаш имконини беради.

Ўзбекистон ССРнинг қўриқ районларида уй-жой қурилиш кооперативларини ва якка тартибда уйлар қуришни янада ривожлантириш тадбирлари муҳокама қилинди. Бюро мазкур районларда уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши янги ерларни ўзлаштириш суръатларидан ҳамон орқада қолаётганлиги муносабати билан тегишли партия комитетларига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга қўриқ ерлар кенг кўламда ўзлаштирилаётган районларда кооператив ва якка тартибда уй-жой қуриш суръатларини кескин ошириш вазифасини юклади.

Бюро партия, хўжалик ва маданий қурилишга оид бошқа баъзи масалаларни ҳам муҳокама қилди. Бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул этилди.

«ПРОГРЕСС—18» УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

«Салют-7» орбитал станцияси ишини давом эттиришини таъминлаш программасига мувофиқ 1983 йил 20 октябрь куни Москва вақти билан соат 12 дан 59 минут ўтганда «Прогресс—18» автомат юк кемаси учирилди.

Кемани учиришдан мақсад сарфланадиган материал ва турли юкларни орбитал станцияга етказишдан иборатдир.

«Прогресс—18» кемаси параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:

— Ер юзидан максимал олислиги — 269 километр;

— Ер юзидан минимал олислиги — 193 километр;

— айланиш даври — 88,8 минут;

— оғиши — 51,6 градус.

Телеметрик информация маълумотларига кўра, автомат юк кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги вазифаларини муҳокама қилиш учун Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг навбатдаги сессиясига тўпланган Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Куба Республикаси, Монголия Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳукумат бошлиқлари ҳозирги кескин халқаро вазиятда қуролланиш, айниқса ядровий қуролланиш пойгаси янада кескин кучайиб бораётганлиги хавфи хусусида ўз давлатларининг ташвишланаётганлигини изҳор этиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирнинг ўзидаёқ қуролланиш пойгаси мисли кўрилмаган миқёс касб этди. АҚШ ва унинг баъзи иттифоқчилари ўз ҳаракатлари билан ҳарбий устунликка эришиш мақсадини кўзлаётганликларини ўзлари ҳам яшираётганлари йўқ. Сиёсий мухолифликни баттар кучайтиришга қаратилган қадамлар қўйилмоқда. Ҳарбий-саноат комплексининг, энг реакцион урушқоқ кучларнинг позициялари мустаҳкамланмоқда, уруш васвасаси авж олдирилмоқда.

Яқин вақт ичида Американинг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларига амалий равишда жойлаштиришга киришиш режалари алоҳида хавф туғдирмоқда.

Шу сабабли ҳукумат бошлиқлари Европадаги ва бутун дунёдаги барча давлатларнинг ҳукуматларига мурожаат этиб, бу йўлни давом эттиришнинг ҳалокатли оқибатларига уларнинг диққат-эътиборини жалб қиладилар. Европа тинчлигини ва ялпи тинчликни қўпориш, ядровий фалокат хавфини ошириш бутун инсониятнинг иқтисодий ва социал аҳволига қаттиқ таъсир қилган бўлур эди, халқаро иқтисодий муносабатларга оғир юк бўлиб тушган бўлур эди.

Биринчидан, қуролланиш пойгасини янада кучайтириш давлатларнинг ҳарбий харажатларини янада анча кўпайтиришга олиб боради ҳамда тағин ҳам кўпроқ моддий ва интеллектуал ресурсларни унумсиз мақсадларга совуради, халқларнинг турмуш даражасига зарар етказади. Бу нарса дунёдаги кўпгина мамлакатлар бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликларни баттар мушкуллаштиради, бу қийинчиликларни ҳал этиш йўлига янги тўсиқлар қўяди.

Иккинчидан, бу нарса кўпгина мамлакатларда пулнинг қадрсизланиши ва ишсизлик кучайишига олиб борган бўлур эди, бу эса меҳнаткашлар оммасининг аҳволига салбий таъсир қилади.

Учинчидан, қуролланиш пойгаси суръатларининг кучайиши инсониятнинг тўртдан уч қисми яшаб турган ривожланаётган мамлакатларга самарали ёрдам бериш имкониятини чеклайди ва қисқартиради. Улар ўзларининг социал-иқтисодий тараққиётида ҳозиргидан кўра анча катта тўсиқларга дуч келадилар. Даҳшатли реаллик мана шундан иборат.

Тўртинчидан, халқаро кескинликнинг янада кучайиши, ядро уруши хавфи ортиши янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш истиқболларига муқаррар равишда жуда салбий таъсир қилади, бутун инсониятга зарар етказадиган тарзда халқаро иқтисодий муносабатларнинг бузилиши ва беқарорлашувини кучайтиради.

Ҳукумат бошлиқлари қуролланиш пойгасининг янада кучайишига йўл қўймаслик мақсадида ўз мамлакатларининг Европа ва дунёдаги барча давлатлар билан, ҳамма тинчликсевар кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирадилар.

Бу — замонамизнинг энг муҳим вазифасидир. Шу боисдан ҳам тинчликни талаб қилувчи кенг оммавий ҳаракатлар, ядро уруши хавфини тугатиш учун, қуролсизланиш учун дадил, қатъий ва изчил курашмоқдалар. Бутун куч-ғайратлар шу мақсадларга бўйсундирилиши керак. Фақат мана шу йўлгина барча халқларнинг, бутун инсониятнинг чинакам равнақ топишига олиб боради.

Ҳукумат бошлиқлари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг 1983 йил 5 январдаги Прага Сиёсий Декларациясида ҳамда етти социалистик давлат раҳбар партия ва давлат арбобларининг 1983 йил 28 июндаги Москва Қўшма Баёнотида белгилаб берилган ва ядро уруши хавфини тугатишга, қуролланиш пойгасини, аввало ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишга, қуролсизланишга ва кескинликни юмшатишга қаратилган таклифларнинг кенг комплекси актуаллигини таъкидлайдилар. Улар социалистик мамлакатларнинг сиёсати шу мақсадларга эришишга қаратилиб келганлигини ва шунга қаратилаверишини билдирадилар. Айни вақтда улар бошқа мамлакатларнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларига мос бўлиб тушадиган таклифларини кўриб чиқишга тайёрдирлар.

Ҳукумат бошлиқлари АҚШга ва НАТО аъзолари бўлган бошқа давлатларга мурожаат этиб, ўртача олисликка учириладиган ядро ракеталарининг Европада жойлаштирилиши келтириб чиқарадиган хатарли оқибатларни жуда жиддий равишда чамалаб кўришга ва Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик манфаатларига мос келадиган битимга эришишни кўзлаб иш тутишга қаттиқ даъват қиладилар. Бу битим Европада ўртача олисликка учириладиган янги ракеталарни жойлаштиришдан воз кечишни ва ўртача олисликка учириладиган мавжуд ядровий воситаларни тегишли равишда қисқартиришни, шу билан бирга қисқартириладиган ракеталарни худди Совет Иттифоқи таклиф қилганидек йўқ қилиб ташлашни кўзда тутиши керак. Бу битим тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига асосланган бўлиши, ҳарбий-стратегик вазиятнинг стабиллигига ва кучларнинг мувозанатига кўмаклашиши лозим.

Ҳукумат бошлиқлари Европадаги, бошқа давлатлар ҳам Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги Женева музокараларининг муваффақиятига кўмаклашадилар, деб умид билдирадилар.

Улар Женева музокараларида бир битимга эришиш учун ҳали имконият борлигига аминдирлар. Бироқ, башарти музокараларда шу йилнинг охиригача бир битимга эришилмаса, у ҳолда АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларини ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарини жойлаштиришнинг улар ўзлари белгилаб қўйган муддатларидан воз кечиши шароитида битимга эришиш мақсадида музокараларни давом эттириш зарур. Шу билан бирга улар Совет Иттифоқининг мана шундай шароитда ўз территориясининг Европа қисмида жойлаштирилган ўртача олисликка учириладиган ядро воситаларини ўз ташаббуси билан кўпайтирмаслик аҳдига риоя этишини давом қилдиришга ҳамда бу воситаларни кўпайтирмаслик жорий этилиши билан бирга шу воситаларни ўз ташаббуси билан қисқартира бошлашни амалга оширишга тайёрлиги музокараларни муваффақиятли тугаллаш учун шарт-шароит яратишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилишини таъкидладилар.

Ақл-идрок тантана қилиши керак. Ялпи тинчликни, халқларнинг хавфсизлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўли танлаб олиниши лозим.

ҲАМКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

(Боши биринчи бетда).

Куба Республикасидан — Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Куба Республикаси Давлат Кенгаши Раисининг ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Р. Родригес, Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Л. Сото;

Монголия Халқ Республикасидан — МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Совети Раиси Ж. Батмунх, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Д. Гомбожав;

Польша Халқ Республикасидан — ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари, ПХР Министрлар Совети Раиси В. Ярузельский, ПБИП Марказий Комитети секретари М. Горивода, ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Мадей;

Руминия Социалистик Республикасидан — РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзоси, РСР ҳукумати Бош министри К. Дэскэлеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзоси, Марказий Комитет секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари М. Добреску;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих, КПСС Марказий Комитети секретари Н. И. Рижков;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, ЧССР ҳукумати Раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Якеш, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари И. Гаман.

Учрашувда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгашига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Учрашув самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди.

(ТАСС).

Қардош мамлакатларнинг бахт-саодати йўлида

БЕРЛИН, 20 октябрь. (ТАСС мухбирлари). Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳар тарафлама ҳамкорлиги, ишлаб чиқариш, фан-техника соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш уларнинг жаҳон экономикасидаги позицияларини мустаҳкамлашнинг бош негизи бўлиб қолмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг ГДР пойтахтида бўлиб ўтган XXXVII мажлиси социалистик иқтисодий интеграцияни кучайтириш, қардошларча ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларни олға томон ривожлантириш йўлини яна бир бор тасдиқлади. Бу мажлис ҳукумат бошлиқлари иштирокида ўтказилди.

Ҳамкорликни ривожлантириш якунлари ва истиқболларини муҳокама этган мажлиснинг иши ишчан, амалий ва ўртоқларча вазиятда, барча масалалар хусусида якдиллик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Бугунги якунловчи мажлисда БХР, ВХР, ВСР, ГДР, Куба Республикаси, МХР, ПХР, РСР, СССР, ЧССР, шунингдек ЮСФР делегацияларининг бошлиқлари сессия XXXVII мажлисининг протоколини имзоладилар. Бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Ахборот қабул этилди, у матбуотда эълон қилинади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг навбатдаги — XXXVIII мажлисини 1984 йилда Гаванада ўтказишга қарор қилинди.

ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф якунловчи нутқ сўзлаб, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар қардошларча ҳамкорлигининг туб масалалари хусусидаги батафсил самарали фикрлашувлар социалистик иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилади, деб таъкидлади.

Куба Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Р. Родригес жавоб нутқи сўзлади.

* * *

Бугун Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Ижроия Комитетининг мажлиси бўлиб ўтди, бу мажлис Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXVII мажлисида қабул этилган қарорларни амалга ошириш соҳасидаги ишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқди.

Шу куни Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг планлаштириш фаолияти соҳасидаги ҳамкорлик комитети мажлиси бўлиб ўтди.

Шу билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXVII мажлиси ўз ишини тамомлади.

А. ТЮПАЕВ,
В. СМЕЛОВ.

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

БЕРЛИН, 20 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов бошчилигидаги Совет делегацияси бугун ГДР пойтахтидан жўнаб кетди. Делегация Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXVII мажлисида иштирок этди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих, КПСС Марказий Комитети секретари Н. И. Рижков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, Н. В. Мартинов, Н. В. Тализин, СССР молия министри В. Ф. Гарбузов, ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари Н. Д. Комаров, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари О. А. Чуканов бор.

Шенефельд аэродромида делегацияни ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Совети Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Г. Миттаг, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари П. Фернер, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Москва аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Д. Ф. УСТИНОВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов 21 октябрда Берлиндан Москвага қайтиб келди. У Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг ишида қатнашди.

Аэродромда Д. Ф. Устиновни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Г. В. Романов, гражданавиацияси министри Б. П. Бугаев, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари — Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. А. Епишев, СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари, армия генерали Г. К. Цинев, СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ГДРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили В. Грабовски бор эди. (ТАСС).

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1983 йил октябрь ойининг тўртинчи беш кунлигида давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Хоразм области. Бу область пахта тайёрлаш планини 85,37 процент, шу жумладан машина терими планини 44,11 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини 10,11 процент таъминлаган;

Қашқадарё областининг Кўрик Нишон райони. Бу район пахта тайёрлаш планини 71,71 процент, шу жумладан машина терими планини 48,47 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини 12,35 процент таъминлаган;

Навоий областининг Қизилтепа райони. Бу район пахта тайёрлаш планини 68,81 процент, шу жумладан машина терими планини 16,28 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини ингичка толали пахтани қўшиб ҳисоблаганда 13,60 процент таъминлаган;

Сурхондарё область, Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз. Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 81,06 процент, шу жумладан машина терими планини 88,38 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини ингичка толали пахтани қўшиб ҳисоблаганда 12,96 процент таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Навоий области. Бу область пахта тайёрлаш планини 62,91 процент, шу жумладан машина терими планини 16,32 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини 9,97 процент таъминлаган;

Хоразм областининг Янгибозор райони. Бу район пахта тайёрлаш планини 85,32 процент, шу жумладан машина терими планини 46,94 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини 11,54 процент таъминлаган;

Навоий областининг Навоий райони. Бу район пахта тайёрлаш планини 60,61 процент, шу жумладан машина терими планини 18,95 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини 11,28 процент таъминлаган;

Жиззах область Жиззах районидаги Жданов номли совхоз. Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 55,55 процент, шу жумладан машина терими планини 31,30 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини 20,69 процент таъминлаган;

Қашқадарё область Нишон районидаги У. Юсупов номли Кўрик совхоз. Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 84,17 процент, шу жумладан машина терими планини 64,23 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини 15,77 процент таъминлаган;

Навоий область Хатирчи районидаги «Коммунизм» колхози. Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 66,66 процент, шу жумладан машина терими планини 30,63 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини 19,33 процент таъминлаган;

Навоий область Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози. Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 84,54 процент, шу жумладан машина терими планини 23,59 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг ўсишини 24,17 процент таъминлаган.

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Хоразм	1,77	85,37	1,30	44,11
Тошкент	1,55	79,69	1,20	66,06
ҚҚАССР	1,77	78,89	1,51	51,80
Бухоро	0,96	74,28	0,13	7,64
Навоий	1,71	62,91	0,84	16,32
Қашқадарё	1,72	62,76	1,33	33,80
Фарғона	1,15	61,82	0,25	6,99
Наманган	1,45	61,65	1,04	33,97
Сирдарё	1,35	60,90	0,84	53,00
Сурхондарё	1,17	60,13	0,69	32,35
Самарқанд	1,48	59,31	0,89	19,58
Андижон	1,15	59,29	0,41	16,13
Жиззах	1,30	55,57	0,77	54,56
Республика бўйича:	1,40	65,77	0,85	33,84
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Навоий	3,34	87,50	3,48	32,41
Сурхондарё	1,90	82,86	1,55	56,03
Қашқадарё	2,19	71,69	2,15	36,46
Бухоро	1,64	65,52	—	—
Наманган	0,76	49,72	—	—
Республика бўйича:	2,02	78,27	1,71	45,27

ХАЛҚ УЧУН МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Умуман республика бўйича бу йил истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиши йиллик 4,8 процент ўрнига 9 ой ичида 6,5 процентни ташкил қилди. Молларнинг хили муттасил янгиланиб, кўпайтириб борилмоқда. Йил бошидан бери шу ишлаб чиқариш доирасига яна юзга яқин корхона жалб этилди. Аммо Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни баъзи жойларда айрим ташкилотлар тегишли даражада ҳал қилмоқдалар, деб бўлмайди. Аҳолининг кўпгина молларга бўлган талаби тўла-тўкис қондирилмаяпти, маҳсулотнинг сифати ҳам дуруст эмас.

Енгил саноат министрлиги халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда етакчи роль ўйнайди. Аммо соҳани ривожлантириш борасида ижобий ишлар бўлишига қарамай, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмаяпти. Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатлари, Андижон ип газлама комбинати, Қорақалпоғистон ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси айрим филиалларининг қувватлари суст ўзлаштирилмоқда. Маҳсулотларни, айниқса кийим-кечак ва пойабзални янгилаш практикаси маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини тубдан яхшиланишини таъминламаяпти ва бир қанча ҳолларда иш баъзи бир конструктив ўзгаришлар билангина чекланиб қолмоқда.

Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига жиддий эътирозлар айтиш лозим. Министрлик етарлича хом ашё ресурсларига эга бўлгани ҳолда бозорга сабзавот консерваларнинг энг қимматли турларини, компот, мураббо, жем, болалар овқати маҳсулотлари, қоқиларни кам етказиб бермоқда. Гўшт, сут саноатининг бир қанча корхоналарида гўшт ва сут маҳсулотларининг тегишли сифатда бўлиши таъминланмаяпти. Давлат балиқчилик хўжалигида ҳовузлар саҳни қувватидан қониқарли фойдаланилмаяпти.

Янги бир кўрсаткич — иш ҳақи фондининг бир сўмига ишлаб чиқарилган мол халқ истеъмол молларини кўпайтирувчи муҳим омил бўлиб қолди. Кўрилаётган чоралар натижасида эндиликда умуман республикада иш ҳақи фондининг бир сўмига 1 сўм 29 тийинлик моллар тайёрлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга ишлаб чиқараётган моллари иш ҳақи фондининг жуда оз ҳиссасини ташкил этаётган корхона ва бирлашмалар ҳам бор. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Узбекхлопкомаш» ва «Электрохимпром» бирлашмалари, «Андижанирмаш» заводи шулар жумласидандир.

Пахта тозалаш саноати министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Госкомсельхозтехника»нинг бир қанча корхоналарида ҳозиргача мол ишлаб чиқариш ташкил этилмаяпти. Олмалиқ, Самарқанд химия заводлари, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Андижондаги «Электродвигатель» заводи ва бошқа баъзи корхоналарда ҳам аҳвол шундай.

Кунда керак бўладиган кўпдан кўп хилма-хил маҳсулотлар борки, уларни ишлаб чиқаришни ҳамма ерда йўлга қўйиш мумкин ва лозим. Ўртоқ Ю. В. Андропов «Бир қанча оддий молларни ишлаб чиқариш масаласи ҳатто СССР Госпланида ҳал этилишини нормал ҳол деб бўлмайди. Бу юмушни маҳаллий органлар ўз зиммасига олиб, уни ҳал этиш учун тўла-тўкис жавобгар бўлишлари керак» деб таъкидлаганида айни шуни назарда тутганди.

Металл ва ёғоч ишлаш, тикувчилик, шойи тўқиш, трикотаж тўқиш, кўнчилик ва бошқа саноат тармоқларининг чиқитларини, шунингдек минерал ва ўсимлик хом ашёсини янада сабот билан қидириб топиб, ишлаб чиқаришга солиш лозим. Бу эса йилига 120—130 миллион сўмлик қўшимча истеъмол моллари олишга имкон беради.

Бозорда тобора мол кўпайиши, талабларнинг ортиб бориши шароитида маҳсулотнинг сифати ва янгилиги масалалари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Республикада маҳсулотлари чиндан ҳам харидорларга манзур бўлган кўпгина корхоналар бор. Аммо бир қанча корхоналарда стандарт ва техник шартлардан жиддий чекинишлар бўлишига йўл қўйилмоқда, эталон намуналарга мос келмайдиган, эскирган конструкция ва моделдаги буюмлар чиқарилмоқда.

Бир қанча корхоналар коллективларининг юқори сифатли халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш борасидаги ташаббуслари тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг қарорига амал қилиб, ассортимент ва сифатини янада яхшилаш учун резервларни сабот билан излаб топиш, харидоргир маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш зарур. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни тамомила тўхтатиш керак. Ҳар бир коллективда фабрика ва завод маркаси шарафи учун муттасил кураш олиб борилмоғи даркор.

Энг яхши янги маҳсулотлар очиқ конкурсларини ўтказиб туришни кенг йўлга қўйиш, халқ учун мол ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун социалистик мусобақада энг юксак кўрсаткичларга эришган илғор коллективларга кўчма Қизил байроқлар ва мукофотлар бериш лозим.

Савдо билан саноатнинг амалий ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмас экан, мол ишлаб чиқариш структурасини энг мақбул, харидорлар талабига мос шакллантириб, мол сифати ва хилини яхшилаб бўлмайди.

Докладчи «Б» группа тармоқлари объектлари қурилишининг бориши каби муҳим масалага тўхталади. Бу соҳада ўтган йилларга нисбатан аҳвол қийинлашди. Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Главташкентстрой», «Госкомводстрой», «Узколхозстрой» буюртмачилари, Советларнинг ижроия комитетлари белгиланган графиклар бажарилишини, мол ишлаб чиқариш билан алоқадор фойдаланишга топшириладиган объектлар ўз вақтида ишга туширилишини таъминлашлари, янги йилга ўтадиган қурилишлар бўйича эса шу йилга мўлжалланган ишлар ҳажмини бажаришлари лозим.

Аҳолига савдо хизмати ва маиший хизматни яхшилаш муҳим бўғин ҳисобланади. Беш йилликнинг дастлабки икки йилида қиёсий нархлардаги товар обороти ҳажми 13 процент кўпайиб, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 5,5 процент ортди. Шу билан бирга Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари жиддий камчиликларга йўл қўйишлари натижасида кўп йиллар мобайнида биринчи марта йилнинг биринчи ярмидаги чакана товар обороти плани бажарилмай қолди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасида эришилган даража ҳали талабларга мос эмас. Бевосита меҳнат коллективларида, уй-жой массивларида янги савдо точкаларини барпо этиш, маиший хизматни ташкил қилиш тажрибаларини кенг ёйиш ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Савдо ва маиший хизмат корхоналари тармоқларини ҳамма ерда кенгайтириб бориш, уларнинг иш режимини такомиллаштириш, ходимларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларда ҳалоллик, камчиликларга нисбатан муросасизлик руҳини тарбиялаш керак.

Шу кенгашда мавжуд резервлар ва имкониятларни сафарбар этиш, камчиликлар ва нуқсонларни тугатиш юзасидан конкрет чораларни кенг кўламда муҳокама қилиш халққа мол ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хилини ошириш, сифатини яхшилаш борасидаги бутун ишлар даражасини анча юксалтиришга имкон беради.

Бунинг учун реал имкониятларга эгамиз. Аввало, саноатнинг ихтисослашган тармоқларида ишлаб чиқариш қувватлари юз процент банд бўлишини таъминлаш, янги илғор технологияни кенг жорий этиш, қўл меҳнатини камайтириш, янгидан ишга туширилаётган корхона ва цехлар нормадаги муддатларда ўзлаштирилиши юзасидан барча тайёргарлик ишларини барвақт ўтказиш даркор. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан ҳали банд бўлмаган, ихтисослашмаган ҳар бир корхона бўйича ишлаб чиқариладиган мол ҳажми ва номенклатурасини яқин фурсатда узил-кесил белгилаб бериш лозим. Умуман «А» группа тармоғи бўйича мол ишлаб чиқаришни кескин равишда кўпайтириб, унинг ҳажмини иш ҳақи фонди даражасига қадар етказиш керак.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камолов, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Ҳ. Қурбонов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Сивец, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов, республика маиший хизмат министри В. П. Куксенко қатнашдилар.

Республика партия-хўжалик активининг кенгашида КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов нутқ сўзлади.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

(И. В. Капитонов ва Ш. Р. Рашидов ўртоқларнинг нутқлари 1 ва 2-саҳифаларда берилди).

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларига, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмаларига амал қилиб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашдек жуда муҳим умумдавлат вазифаси муваффақиятли ҳал этилиши учун зарур ҳамма ишларни қиладилар, деб ишонч билдирдилар.

Кенгаш ишида СССР енгил саноат министри Н. Н. Тарасов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

ГУРЛАН РАЙОНИ. — Район партия комитетининг секретари ўртоқ Жабборов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Иброҳимова, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси ўртоқ Дўстниёзов, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Маткаримов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Кенгесбоев, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Оллаберганов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Раҳимбоев.

АФҒОНИСТОНДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Афғонистон Демократик Республикаси жамоатчилиги вакилларининг катта бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Афғонистон жамоат арбоблари Фарғона водийсидаги шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб сафарга жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрланишнинг бориши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
ГУРЛАН	100,39	37,35
Хонқа	98,02	71,49
Хива	91,70	44,73
Қўшкўпир	90,14	48,60
Янгибозор	85,32	46,94
Ҳазорасп	79,77	26,09
Урганч	79,44	39,22
Шовот	77,50	45,00
Боғот	76,28	43,64
Янгиариқ	75,15	37,16
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Бўка	93,36	88,90
Коммунистик	90,26	95,52
Оққўрғон	81,23	72,58
Пискент	80,00	58,28
Ўрта Чирчиқ	79,15	73,77
Бекобод	77,77	49,86
Ғалаба	72,66	61,33
Чиноз	72,50	47,74
Янгийўл	64,04	31,36
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Леннинобод	89,48	71,17
Қораўзак	87,11	77,49
Хўжайли	85,34	62,34
Чимбой	84,49	70,18
Шуманай	84,14	60,90
Тўрткўл	83,86	22,80
Қўнғирот	83,01	52,79
Элликқалъа	81,85	51,21
Беруний	78,05	49,57
Кегайли	71,40	60,26
Бўзатов	71,38	50,64
Амударё	70,14	31,89
Нукус	69,00	49,66
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Ғиждувон	88,25	21,82
Олот	80,82	6,15
Шофиркон	77,81	2,38
Ромитан	75,78	26,69
Бухоро	74,52	1,44
Вобкент	71,84	2,25
Свердлов	71,51	1,39
Когон	66,66	3,66
Қоракўл	66,22	3,99
Пешқу	65,65	4,18
НАВОИЙ ОБЛАСТИ		
Қизилтепа	68,81	16,26
Хатирчи	64,71	23,09
Навоий	60,61	18,95
Навбаҳор	57,04	4,43
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Нишон	71,71	48,47
Ғузор	68,86	19,96
Қамаши	68,63	15,46
Усмон Юсупов	67,48	31,19
Қарши	66,42	67,90
Муборак	66,00	58,81
Яккабоғ	65,27	37,67
Баҳористон	63,47	44,16
Чироқчи	62,20	25,28
Китоб	61,57	9,69
Ульянов	60,31	58,15
Шаҳрисабз	59,44	10,65
Косон	57,86	29,00
Кўкдала	56,66	—
Теллимаржон	30,99	20,79
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Бувайда	81,25	20,50
Ленинград	72,47	12,43
Ўзбекистон	68,96	9,07
Кировв	68,24	0,65
Тошлоқ	61,96	1,78
Ёзёвон	58,48	1,27
Риштон	57,84	9,67
Охунбобоев	57,25	0,23
Бағдод	56,64	15,53
Қува	56,10	3,52
Фарғона	55,45	8,28
Олтиариқ	54,11	4,58
Фрунзе	53,91	8,52
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Наманган	70,05	52,23
Поп	69,97	27,40
Тўрақўрғон	67,27	41,82
Задарё	65,52	65,92
Уйчи	62,43	8,99
Чортоқ	59,20	5,76
Учқўрғон	57,57	37,07
Норин	56,53	30,79
Янгиқўрғон	56,07	2,81
Чуст	55,61	13,55
Косонсой	50,05	21,81
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ворошилов	76,34	71,99
Олтин	67,91	67,63
Комсомол	66,40	58,35
Гулистон	66,23	61,96
Боёвут	59,95	45,62
Сирдарё	58,22	45,72
Ильич	49,83	42,09
Ховос	43,22	21,70
Меҳнатобод	40,91	25,99
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ленин йўли	80,94	91,03
Ангор	68,73	45,35
Қумқўрғон	67,95	20,25
Термиз	65,71	17,11
Шеробод	63,55	42,85
Шўрчи	56,89	4,09
Сариосиё	56,11	4,19
Гагарин	54,62	50,28
Жарқўрғон	54,17	20,28
Бойсун	53,07	45,50
Олтинсой	51,89	3,96
Денов	47,01	16,97
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Пастдарғом	69,46	19,56
Пахтачи	66,50	25,45
Каттақўрғон	64,14	28,04
Большевик	64,11	22,64
Иштихон	63,04	20,04
Нарпай	62,80	36,55
Пайариқ	55,42	13,03
Оқдарё	53,63	8,78
Жомбой	50,63	5,43
Самарқанд	50,38	2,90
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Бўз	78,97	61,17
Комсомолобод	70,99	42,22
Ленин	67,00	4,80
Москва	66,46	9,04
Марҳамат	63,00	20,15
Избоскан	60,40	17,34
Андижон	56,88	2,21
Олтинкўл	55,34	0,78
Қўрғонтепа	52,21	25,17
Хўжаобод	52,08	6,51
Пахтаобод	51,79	2,26
Балиқчи	49,33	10,29
Жалолқудуқ	47,18	11,11
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Октябрь	66,09	75,22
Янгиариқўл	61.99	64,38
Дўстлик	58,84	65,63
Арнасой	54,75	61,35
Зарбдор	53,21	35,69
Форш	49,00	52,83
Пахтакор	48,52	42,98
Жиззах	43,66	14,18

ТАЖРИБА ЎРГАНИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШДИ

21 октябрь куни Тошкент қишлоқ хўжалик институтида БМТ ҳузуридаги Африка иқтисодий комиссиясининг халқаро семинари ўз ишини тамомлади. Африкадаги 22 мамлакат вакиллари ўн етти кун давомида қишлоқни ривожлантириш программасида аҳолининг иштироки билан боғлиқ масалаларни ўрганди-лар. Улар меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини планлаштириш, уни интенсивлаш соҳасида СССРда ва бошқа давлатларда тўпланган тажриба билан танишдилар, Ўзбекистондаги бир қанча колхоз ва совхозларда, Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтида бўлдилар.

Семинарда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО), БМТнинг социал ривожланиш илмий-тадқиқот институти вакиллари ҳам иштирок этдилар. (ЎзТАГ).



Пойтахтдаги Қорақамиш массивида Фарғона номли чойхона меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу чойхона Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан фарғоналиклар томонидан қуриб берилди. Суратларда: чойхонанинг умумий кўриниши ва унда ҳордиқ чиқараётган қариялар.

В. Молгачёв фотолари.

ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

УСТОД

Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан махсус энциклопедия чиқарилди. Шарқнинг муаззам шаҳри йигирма асрлик тарихини ўз ичига олган бу катта асар юзага келишида республиканинг таниқли олимлари, йирик мутахассислари, тарихчи ва иқтисодчиларининг хизмати катта. «Москва», «Минск», «Киев» каби энциклопедиялар қаторидан жой олган «Тошкент» қомусига таниқли ўзбек олими, республика Фанлар академиясининг академиги Саидкарим Зиёдуллаев бош муҳаррирлик қилган.

Ўрта Осиё регионида планлаштириш соҳасида барака-ли тер тўкиб келаётган заҳматкаш олимлардан бири иқтисод фанлари доктори, профессор Саидкарим Зиёдуллаевдир. У узоқ вақт Ўзбекистон ССР Госпланига бошчилик қилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг республика ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши раиси сифатида планлаштириш бобида жуда катта илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Республикада ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойлашуви схемасини ишлаб чиқишга ҳамда фантехника тараққиёти комплекс программасини яратишга раҳбарлик қилмоқда.

Москва коммунал-қурилиш институтининг иқтисод-инженерлик факультетини 1938 йилда тугатган С. Зиёдуллаев Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги халқ комиссариати системасида дастлаб иқтисодчи инженер, сўнгра план-иқтисод бошқармаси бошлиғи, Халқ комиссариати коллегияси аъзоси бўлиб ишлади. 1944 йили уни Хоразм областига юборишди: бу ерда у область ижроия комитети раисининг муовини бўлди. Икки йилдан кейин республика Қурилиш материаллари саноати министри қилиб тайинланди. 1948 йилдан бошлаб чорак асрдан ортиқроқ вақт ичида у Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси бўлиб ишлади. Ана шу вақт ичида Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш планларини ишлаб чиқишга бевосита раҳбарлик қилиш билан бир вақтда социализм иқтисодий қонунларини коммунистик қурилиш практикасида фойдаланиш соҳасида, Ўзбекистон регионал шароитида социалистик қурилиш тажрибасини назарий жиҳатдан умумлаштириш шунингдек, планлаштириш методологияси ва методикасини такомиллаштириш борасида самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борди.

С. Зиёдуллаев илмий фаолиятининг асосий йўналиши мазмунини халқ хўжалиги экономикаси, тараққиётининг узоқ йилларга мўлжалланган комплекс планлари ҳамда республика ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг илмий прогнозларини ишлаб чиқиш борасидаги изланишлар ташкил этади. Унинг илмий тадқиқотлари якунлари салкам 200 илмий асарларида ўз аксини топдики, бу асарлар социалистик қурилишнинг иқтисодий назария ва практикасини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ўзбекистоннинг регионал шароитларида иқтисод фанини бойитишга хизмат қилди. Айниқса, «Ўзбекистон саноати ва уни ривожлантиришнинг асосий иқтисодий проблемалари», «Ўзбекистон ССР экономикасини планлаштириш ва ривожлантириш», «Шарқнинг индустриал маёғи», «Коммунистик қурилиш практикасида социализмнинг иқтисодий қонунлари», «Ўрта Осиё ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг регионал хусусиятлари ва потенциал имкониятлари», «Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги», «Ўзбекистон ССР қардош халқлар ягона иттифоқида» ва бошқа асарларини алоҳида таъкидлаш мумкин. С. Зиёдуллаев қаламига мансуб айрим илмий-иқтисодий асарлар мамлакатимиздагина эмас, чет элларда чоп этилди.

Ўзбекистон иқтисодчи олимларининг устоди даражасига етишган Саидкарим Зиёдуллаевнинг илмий асарларида республика экономикаси тараққиётининг асосий босқичлари таҳлил этилади, халқ хўжалигини комплекс ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган йўллари, табиий бойликлар ва меҳнат ресурсларидан янада тўлароқ фойдаланиш асосида умумиттифоқ меҳнат тақсимотида республиканинг оқилона ихтисослашиши йўллари белгилаб, республика экономикасига хос регионал хусусиятлар очиб берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, республика Фанлар академиясига ўтганидан кейин С. Зиёдуллаевнинг илмий ва ижодий фаолияти янада активлашди. Унинг илмий раҳбарлиги ва бевосита иштирокида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Республика ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши коллективи умумиттифоқ аҳамиятига молик комплекс халқ хўжалик проблемаларини ишлаб чиқмоқда. Коллективнинг «Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизишнинг социал-иқтисодий проблемалари» ва бошқа асарлари мамлакатимиз илмий жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланди.

СССР Фанлар академиясининг мамлакат ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш илмий кенгашининг Ўрта Осиё комиссияси Ўрта Осиё ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган планларининг регионал проблемалари, Ўрта Осиёнинг ёқилғи-энергетика ресурсларидан комплекс фойдаланиш йўллари, регион табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш ҳамда Ўрта Осиёнинг мамлакат халқ хўжалиги комплексига қўшадиган ҳиссасини ошириш каби проблемаларни ҳал этишда фаол иш олиб бормоқда.

Тиниб-тинчимас олим социализм афзалликлари, илм-фан ютуқлари, Ўзбекистон халқ хўжалигининг муваффақиятлари тарғиботчиси сифатида чет элларда Совет Ўзбекистонининг индустриал тараққиёти қонуниятлари масалалари, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни планлаштириш ва прогнозлаш проблемалари, регионал тараққиёт самарадорлиги ва бошқа мавзуларда илмий докладлар қилди.

У юқори малакали олимлар тайёрлаш бобида ҳам катта иш олиб бормоқда. 50 дан ортиқ киши унинг илмий раҳбарлигида докторлик ва кандидатлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Аллома 1947-1975 йилларда Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган. Қарийб ўттиз беш йилдан бери Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси. Унинг Ватан бахт-саодати йўлидаги, иқтисод фанини ривожлантириш ва планлаштиришни юксалтиришдаги хизматлари муносиб тақдирланди. Ленин ордени, Халқлар дўстлиги, учта Меҳнат Қизил Байроқ ҳамда «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан мукофотланган, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилган.

Етмиш ёш. Олим учун, айниқса, С. Зиёдуллаев сингари изланувчан аллома учун бу ёш совет фанини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшишда навбатдаги босқич, янада улкан парвозлар учун галдаги пилла-поя бўлиб қолишига имоним комил.

Г. КОПАНЕВ,
СССР Госплани ҳузуридаги ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши бўлими мудири, иқтисод фанлари доктори.

«ИНТЕРСПУТНИК» ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Халқаро «Интерспутник» космик алоқа ташкилоти кенгашининг 12-сессияси 21 октябрь куни Тошкентда ўз ишини тамомлади. Кенгашда имзоланган протоколда «Интерспутник» системасини янада ривожлантиришга оид кўпдан-кўп масалалар акс эттирилган.

Ерда ишлаб турган 14 та станция ёнига тез орада бир қанча регионларда янгилари қўшилиши сессияда маълум қилинди. Бу нарса халқаро кўламда телевизион ва радиоэшиттириш программаларини айрибошлашни кучайтиради, Осиё, Африка, Америка, Европа мамлакатлари ўртасида телефон-телеграф алоқасини кенгайтиради.

«Интерспутник»нинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан, «Интеркосмос» программасида қатнашувчи мамлакатлар денгизларда Ер йўлдоши воситасида олиб бориладиган халқаро алоқа ташкилоти (ИНМАРСАТ) билан, халқаро радиоэшиттириш ва телевидение ташкилоти (ОИРТ) билан ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги айтилди. Масалан, ОИРТ барча программаларининг учдан икки қисмини «Интерспутник» каналлари орқали юбормоқда. Халқаро электрик алоқа союзи билан тузилган битим ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим қадам бўлиб қолади. Сессияда шу битим лойиҳаси маъқулланди.

Кенгаш С. П. Куриловни (СССР) «Интерспутник» бош директори лавозимига сайлади. У 1984 йилнинг 1 январидан бошлаб шу лавозимни бажаришга киришади.

С. П. Курилов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда сессия ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик вазиятида ўтганлигини айтди. Унда космик алоқа системаси ЮНЕСКО раҳбарлигида амалга оширилаётган коммуникацияни ривожлантириш халқаро программасининг янада самарали амалга оширилишига кўмаклашган бўлур эди, деб яна бир карра таъкидланди. Ривожланаётган мамлакатлар учун бу, айниқса муҳимдир. Совет Иттифоқи Ердаги станцияларни барпо этишда бир қанча давлатларга катта ёрдам бермоқда. «Интерспутник» юксак вазифаси — космосдан тинчлик мақсадларида фойдаланишга ёрдам бериш, халқларни бир-бирига яқинлаштиришдан иборатдир.

«Интерспутник» кенгашининг навбатдаги 13-сессиясини 1984 йил Карл-Маркс-Штадтда (ГДР) ўтказишга қарор қилинди.

ЮРАК СОҒЛОМ БЎЛИШИ УЧУН

Тошкентда кардиологларнинг иккинчи Бутуниттифоқ симпозиуми ўз ишини тамомлади. Мамлакатнинг кўпгина шаҳарларидан келган таниқли биолог олимлар, физиологлар, биохимиклар, шифокорлар илмий экспериментларнинг натижаларини муҳокама қилдилар, тўпланган иш тажрибасини ўртоқлашдилар. Улар илмий ечимларни практикага жорий этиш проблемаларига алоҳида эътибор бердилар.

СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, экспериментал кардиология институтининг директори В. Н. Смирнов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Бугунги кунда кардиологлар олдида турган мураккаб вазифаларни илм-фаннинг турли соҳаларида иш олиб бораётган мутахассисларнинг биргаликдаги куч-ғайратисиз ҳал қилиб бўлмайди. Шу боисдан ана шу соҳада иш кўраётган олимларни бирга тўплаган ҳозирги учрашув назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамият касб этади. Симпозиум ишлаб турган вақтда биз ҳозирги замон фанининг юракка оид бир қанча энг муҳим проблемаларини, жумладан ғоят кенг тарқалган хасталиклардан бири — атеросклероз ва ишемия билан оғриган одам қон томирларини тадқиқотларининг натижаларини муҳокама қилдик. Хирургия практикасида ҳар хил стимуляторлардан кенг фойдаланиш метод ва йўллари, шунингдек уларнинг юрак ҳужайрасига таъсири кўриб чиқилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон олимларининг иши зўр қизиқиш туғдирмоқда. Симпозиум айни Тошкентда ўтганлиги ҳам бежиз эмас.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

ШАШКА:

ОРАЛИҚ МАРРАДА

Халқаро шашка бўйича аёллар ўртасида ўтказилаётган «Тошкент тонги» Бутуниттифоқ мусобақаси иштирокчилари 6-тур ўйинларидан кейин оралиқ маррага етдилар. Шашкачилардан фақат уч нафари учрашувларини мағлубиятсиз ўтказишга муваффақ бўлди. 42 партиядан фақат 13 тасида томонлар дурангга рози бўлдилар. Минсклик Зоя Садовская олти марта ғалаба нашидасидан бахраманд бўлиб, Г. Кузнецова (Ленинград), А. Эрис (Рига), А. Брохунова (Москва), О. Аҳмедова (Тошкент) ҳамда синглиси Ольгалардан устун келди.

Минсклик Л. Сохненко қишлоқ спортчилари ўртасида мамлакат чемпиони А. Эрис ҳамда тошкентлик И. Кацлар учтадан ғалабага эришдилар. З. Садовская пешқадам сифатида мусобақанинг иккинчи даврa ўйинларини бошлади. Ундан икки очко кам жамғарган Т. Огородникова (Уфа), И. Кац, Л. Сохненколар ҳам совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилишмоқда. А. Эрис билан тошкентлик П. Гольдшмидтлар ҳисобида 3,5 тадан очко бор. Республикамиз вакилларидан И. Кац билан П. Гольдшмидтлар мастерлик нормативини бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. О. Аҳмедова, О. Брохунова, О. Садовская ҳамда фарғоналик З. Сафиналар икки ғалабага эришиб, икки ўйинни дуранг қилишди. Хуллас, ҳозир З. Садовская турнирнинг олтин медалига асосий даъвогар бўлса, қолганлар кумуш ва бронза медалларини олишга ҳаракат қилишмоқда.

Б. КАНИШЧИКЕР.
СССР спорт мастери.

СОВРИНЛАР ВА УРИНЛАР

✦ **САМБО. Гомель шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида ўзбекистонлик динамочилар фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Шахсий ҳисобда К. Яшин билан Э. Морозовлар ғалаба қозондилар. А. Козловский учинчи ўринга кўтарилди.**

✦ **ФУТБОЛ. Европа кубоклари учун навбатдаги учрашувлар бўлди. Чемпионлар кубоги учун нимчорак финалда минсклик динамочилар Венгриянинг «Раба» ЭТО командаси билан сафарда учрашиб, 6:3 ҳисобда ғалабага эришди. Кубок эгалари кубоги учун ўйинда «Шахтёр» командаси «Сервет» (Швейцария) футболчиларини қабул қилиб (1:0) ғалаба қозонди. УЕФА кубоги учун учрашувда пойтахт спартакчилари «Астон Вилла» (Англия) клуби билан (2:2) ҳисобни дуранг қилишди. Такрорий ўйинлар 2 ноябрда бўлади.**

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Илмий-ташкилий бўлим бўйича — кичик илмий ходим;
Экспериментал лаборатория бўйича — кичик илмий ходим;
Конкурс муддати — 12 ноябргача.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700015, Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Кафанов кўчаси, 104-уй.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
физиология, нурортология ва даволаш физкультураси (физиотерапия бўйича) кафедрасининг ассистенти
вакант вазифасига
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Адрес: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 51-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
В. И. РОМАНОВСКИЙ НОМЛИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

математик анализ бўлими бўйича — катта илмий ходим;
тармоқ статистик лабораторияси — кичик илмий ходимлар (2);
хўжалик шартномаси бўйича — кичик илмий ходим.
Конкурс муддати — 12 ноябргача.
Адрес: Тошкент шаҳри, 143-алоқа бўлими, Академиклар шаҳарчаси.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/X да **Князь Игорь**, 23/X да **Золушка**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/X да **Бой ила хизматчи**, 23/X да **Олтин девор** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/X да **Ёшликда берган кўнгил**, 23/X да **Тўйдан олдин томоша**.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
23 ОКТЯБРЬ СОАТ 17.00 ДА
СССР биринчилиги учун
«ПАХТАКОР» (Тошкент)
— ЦСКА (Москва)
командалари ўртасида
ФУТБОЛ

«Гулхан» журнали редакцияси коллективи журнал ходими Н. Абдуллаевага отаси
Мамажон ШАМСИДДИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат медицина институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда маркса-ленинча фалсафа кафедраси коллективи шу кафедра ўқитувчиси А. Б. Бобоевга отаси
Бектурди БОБОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Телевидение

22 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35 — Ҳужжатли фильмлар. 10.15 — Спортлото. 10.25 — Концерт. 10.50 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.20 — Қўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.50 — Бокс. Жаҳон чемпионати. 13.05 — Усимликлар дунёси. 13.50 — Ёдингдами, ўртоқ... 14.50 — Кўк сурат. Бадиий фильм. 16.15 — Дунё воқеалари. 16.30 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.55 — Камалак. 18.30 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 19.00 — Мультфильм. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Қасамёд. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қасамёд. 2-фильм. 23.30 — Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари. 00.20 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Тонгги поч. та. 10.00 — Мультфильм. 10.20 — Мотоспорт бўйича жаҳон чемпионати. 10.50 — Братислава музикали тантаналари. 11.55 — Ўғил бола гап. 12.30 — ЭСТОНИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 14.20 — В. Короленко. Дарё ўйноқлайди. 15.00 — Музикали кўрсатув. 16.10 — Партия ҳақида ҳикоялар. 16.55 — Концерт. 17.50 — Таня. Бадиий фильм. 19.45 — Халқаро обзор. 20.00 — Музикали киоск. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Э. Де. Филиппо. Одам ва жентельмен. Спектакль.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Финист — сарлочин. Бадиий фильм. 11.25 — Киносаёҳатчилар клуби — бизнинг меҳмонимиз. 12.20 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 12.40 — Фильм-концерт. 13.15 — Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши. 13.45 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.15 — Дўстлик хороводи. 19.00 — Илмий-оммабоп программа. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт (давоми). 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.25 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.

18.25 — Тожикистон телевиденнесининг программаси.

23 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильм. 10.10 — Будильник. 10.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.40 — Здоровье. 12.25 — Тонгги почта. 12.55 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.05 — Музикали киоск. 14.35 — Олтин арава. Фильм-спектакль. 17.00 — Қўшиқчи Бруно Себастьян ҳақида кўрсатув. 17.30 — Ҳар бир куннинг юмуши. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Саёҳатчилар клуби. 20.25 — Бўса. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Бокс. Финал. Жаҳон кубоги. 23.20 — Концерт. 00.25 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядка га сафланинг! 9.20 — Қувноқ стартлар. 10.05 — Концерт. 10.30 — Илмий-оммабоп фильм. 10.50 — Братислава музикали тантаналари. 11.20 — Мультфильм. 11.30 — Ҳайвонот оламида., 12.30 — Стадион ҳамма учун. 13.00 — Буратино саргузашти. Бадиий фильм. 1-серия. 15.20 — Голиблар. 15.35 — Лўли. Бадиий фильм. 4-серия. 17.00 — Тўпли хоккей. Европа чемпионларининг кубоги. Енисей (Красноярск) — Солберг (Норвегия). 17.45 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.15 — В. Маяковский шеърларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Киндинов ўқийди. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Футбол. Зенит — Торпедо (М). 19.45 — Концерт. 20.00 — Футбол. Нистру — Днепр. 20.45 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.00 — Музей ва кўргазма саллари бўйлаб. 21.30 — Время. 22.05 — Почта орқали топшириқ. Бадиий фильм. 23.25 — Оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сеҳрли тўп. Бадиий фильм. 11.25 — Фильм-концерт. 12.00 — Қувноқ стартлар. 12.55 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 13.55 — Ўзбекистон спорти. 14.25 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 15.25 — Реклама. 17.00 — Футбол. Пахтакор — ЦСКА. Танаффусда — Кинофильм. 18.45 — Мультфильм. 19.00 — Ўйлаб топ. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк! 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Санъат усталари — ҳосил усталарига.

13.20 — Қирғизистон телевиденнесининг программаси.

Радио

22 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 — Ёшлик. 10.15 — Гулшан. 11.30 — Шодлик. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Табаррук замин. 17.00 — Концерт. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 18.30 — Ижодиёт оламида. 19.25 — Ёшлик. 21.00 — Ҳозирги босқичда ғоявий кураш. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Лирик музикали программа. 24.00 — Хайрли тун.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 02242. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 243. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15